

O'zingni angla!



# Hurriyat

Mustaqil gazeta

2021-yil  
10-mart  
chorshanba  
№ 10 (1226)

Gazeta 1996-yil dekabrda chiqqan boshlagan \* www.uzhurriyat.com \* gazhurriyat@mail.ru \* t.me/hurriyatuz \* Hurriyat gazetasi

## ШУКУҚ

Аёл – мунаввар осмоннинг ёруғ юлдузи. Самода ойни кўлидан тутиб оламни чарогон қиладиган, қуёшни уйғотиб борлиққа ҳаёт бағишлайдиган фалак Зухроси. Яратмишдан аёл бир гулшанаро яратилганки, шу боисдан барча аёлни гулга қиёс қилади. Шу сабаб, баҳор фаслининг илк кунларида бодом гунча тугмасдан нозик вужуд гулгун гунчаю барқ уриб очилган лолалар мисол атрофга ифор таратади.

## АЁЛ — МЕҲР-МУҲАББАТ, БАХТ-ИҚБОЛ ТИМСОЛИ

Авалло, шунга айтиш жоизки, динимизда ҳам аёл мўтабар зот, оила кўргони, оила эса — муқаддас эканлиги айтилади. Аслида ҳам аёл — меҳр-муҳаббат булоғи, бахт-саодат қасри, вафо-садоқат тимсолидир. Чунки оилада фарзанд вояга етар экан, инсоният тириклиги, ҳаёт шуқуқи ва давомчилиги, борлиқ неъматлари, оила мустақамлигини асрочи илоҳий риштаси она тарбиясида вояга етади. Инсоннинг жамиятдаги қадр-қиммати ҳам қобил фарзанд белгилайди. Шундай экан, аёлни асрамак — миллатни асрамакдир.

8 март — Халқаро хотин-қизлар кунининг шуқуқи, албатта, йилларга татийди. Энг муҳими, байрам баҳона оналаримизни, опа-сингилларимизни яна бир бор кутлаш, оналаримиз оқ сути билан қалбимизга синган меҳримизни изхор қилиш, табриклаш имконига эга бўламиз, кўнгли-

миз суйган, дидимизга ёққан совғани тортиқ қиламиз. Фарзандларимизни жам қилиб байрам дастурхонидан табаррук онажонларимизни, азиз опа-сингилларимизни, жуфти ҳалолимизни, мунис ва мўтабар қизларимизни табриқлаймиз. Бу қувончли онлар оила жамлиги, мустақамлигини ҳам асрашга хизмат қилади.

6 март куни Tashkent cityда барпо этилган "Конгресс" маркази мажмуасида Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан бўлиб ўтган тантанават давлатимиз раҳбари: "Бугун мана шундай дилбар, қутлуғ баҳор айёмидан сиз, мунис оналаримиз, ҳурматли опа-сингилларимиз, сулувларимизни ўзларингиз каби гўзал байрамнингиз — Халқаро хотин-қизлар куни билан чин қалбимдан муборакбод этаман", деди табрик нутқида.

Табаррук айём арафасида байрам тан-

таналари нишонланадиган муҳташам кошонага таширф буюрган Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри, қолаверса, жамият ҳаётининг барча жабҳасида меҳнат қилаётган ташаббускор аёлларни, Зулфияxonим қизлари ҳамда меҳмонларни шижоатли, кўзларида олов порлаб турган йигитлар гуллар билан залга таклиф этди. Байрам иштирокчилари орасида мамлакатимизда фаолият юритаётган чет эллик дипломат аёллар, халқаро ташкилотлар ваколатхоналари вакиллари ҳам бор эди. Айнан шу куни мажмуада ташкил этилган матбуот маркази орқали шодлик шуқуқи кўлаб хорижий давлатларга ҳам намойиш этилди.

3-6

## ЎЙЛАБ КЎРИНГ

### САЛОМАТЛИК ВА МАЪНАВИЯТИМИЗ КУШАНДАСИ

Кунлар исигани сайин озиқ-овқат дўконларининг олдида ҳам турли рангдаги салқин ичимликлар солинган кутилар терила бошланади-ю, беихтиёр... ёзининг кўнглимга ғашлик соладиган айрим манзаралари хотирга келаверади: таркибидидаги нарсалари табиий эмаслиги нотабиий ранглариданоқ кўришиб турган турли номдаги салқин ичимликларни каттаю кичик сотиб олиши авжига чиқади. Ким кўлини қачон югани ҳақида ўйлаб, ким ўйлаб ҳам ўтирмай сувени кимдир андиша билан четга ўтиб ичади, кимлар ўйл-ўйлақай симиради. Катталарки шундай қилгач, иссиқ кунда ўзидан ёши улуглар етагида сайрдади, бозору дўконда юрган болалардан нимагина? Уларнинг кўпчилиги кўчага чиқди дегунча суе, асосан, рангли сувлар олдириш илжинида бўладилар.

2-6



## БИР АСАР ТАРИХИ ВА ТАҚДИРИ

Ўн беш йилдан буён Ўзбекистон Миллий академик драма театри саҳнасида тушмай келаётган драматург, ёзувчи ва олим Тилаб Маҳмуд билан ҳамкорликда ёзган пьесамиз асосида саҳналаштирилган "Омонат дунё" спектакли репертуардан тушиб қолибди...

Мақсад на эди, келдинг жаҳона, кайфиятини баён этиб кет.

НОДИРАБЕГИМ

### Алвидо, "ОМОНАТ ДУНЁ"

Очиги, бу хабарни эшитиб бошимдан совуқ сув куйгандай жунжикиб кетдим...

Бу асар бизники бўлгани учун эмас, балки халқимизга ҳозирги долзарб кунларда айна кераклигини ўйлаб сиқидим...

Тақдиримиздан кейинок саҳна юзини кўрмаган, биринки йил зўрма-зўраки куйилиб, жимиб кетган саҳна асарларига қиёс қилганда, "Омонат дунё" тагин ҳам узоқ умр кўрди-ку! Шу ҳақда ўйласам, кўнглим бироз таскин топгандек бўлади. Барибир кўнгилдан хиралик, нохушлик кетмапти...

Мен-ку Тилаб Маҳмудга бир ёрдамчи муаллиф сифатидаги хизматла-

римга шунчалик озор чекапман. "Омонат дунё" спектаклидаги асосий қаҳрамон — Қодир бойвачча ролини ижро этган Ўзбекистон халқ артисти Сайидкомил Умаров бунга қандай қабул қилди экан?! Ўн беш йил мобайнида у асар бош қаҳрамони Қодир бойвачча бўлиб қолди экан, балки саҳнада Қодир бойвачча бўлиб яшайди. Актёр Қодир бойвачча ролини ақловар қилмайдиган даражада ҳаётини, юксак ижро этди.

Шундай саҳналар борки, санъаткорга қўшилиб фифон четмапти...

Саҳна актёр қаҳрамонининг ҳаёт сабоқларидан олган аччиқ

қисмати, виждон азобларидан титраб-титраб кўядимий... Гўё бўлак-бўлақларга бўлиниб, чор атрофга сочилиб кетадигандек одамни ховотирга соладимий...

Ҳа, саҳна унинг виждонига, қалбига айланганди...

Бу чархпалак дунё ғам-андухларини Сайидкомил Умаров — Қодир бойвачча кўтаряпти-ку, лекин саҳна кўчара олмайгандек туюларди...

Худого шукур, Сайидкомил укамизнинг қисматиға ёзилган, севиб ўйнайдиган роллари бисёр. Лекин у "Омонат дунё"га барибир бошқача назар билан қарарди.

8-6

## "HURRIYAT"GA JAVOB BERADILAR

### Яна лоқайдликка йўл кўйгудек бўлса...

"Hurriyat" газетасининг 2021 йил 3 февралдаги 5 (1221)-сонидан эълон қилingan "Шикоятлар нега ўқилмаяпти? Ёки Олий суддан "ғалати жавоблар" сарлавҳали мақола Олий суд томонидан ўрганиб чиқилди.

Олий суднинг Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати судьяси Ш.Тожиёв томонидан 2020 йил 15 декабрдаги С.Сирожиiddиновга оид суд қарорларини назорат тартибидан қайта кўриб чиқиш учун асослар мавжуд эмаслиги тўғрисидаги ажримдаги техник хатоларга йўл қўйилганлиги аниқланди.

Ушбу ҳолат юзасидан Олий суд судьялари иштирокида ўтказилган кенгайтирилган йиғилишда судья Ш.Тожиёв келгусида шундай масъулиятсизлик ва лоқайдликка йўл қўйгудек бўлса, унга нисбатан интизомий жазо чораси қўлланилиши тўғрисида оголхантирилди.

Шу билан бирга, "Арбитраж ва ҳуқуқ" газетасига мурожаат қилган Ш.Юсупованинг шикояти юзасидан ушбу газета бош муҳаррири С.Сирожиiddиновга йўлланган 2016 йил 26 ноябрдаги Ж-4284-1-16-рақамли хатда хатоларга йўл қўйган бўлим бошлиғи М.Эргашев 2020 йилдан буён Олий судда ишламаётганлиги маълум қилинади.

А.АБИДОВ,

Ўзбекистон Республикаси Олий суди

Жамоатчилик ва ОАВ билан ҳамкорлик бошқармаси бошлиғи.

## Доимий назорат ўрнатилди

"Hurriyat"да "Қум ва тошдан иборат кўмирлар мактабларни иситадими?" сарлавҳали танқидий мақола ўтган йилнинг охирида, газетанинг № 49-сонидан эълон қилingan эди. Унга Бош прокуратура томонидан кўйидаги мазмунда жавоб хати олинди.

Кўмир маҳсулотларини ишлаб чиқарилганидан тортиб, аҳоли ва ижтимоий соҳа ташкилотлари эҳтиёжлари учун етказиб бериш ҳамда уларни сақлашга бўлган жараёнларга доимий назорат ўрнатилган.

Жорий йилнинг 14 январь ҳолатига аҳолига етказиб берилиши лозим бўлган кўмир маҳсулотларининг 99 фози (927236 тонна) "Ўзбеккўмир" АЖ томонидан 91 та худудий оմборга етказиб берилган бўлиб, шундан, яъни оմборга етказилган кўмирнинг 751762 тоннаси ёки 81 фоизи аҳоли томонидан олиб кетилган.

Ижтимоий соҳа объектига белгиланган 405409 тонна кўмир маҳсулотлари "Ўзбеккўмир" АЖ оմборларига тўлиқ етказиб берилган бўлиб, шундан 405409 тоннаси (100 фоизи) бюджет муассасалари томонидан олиб кетилган. Кўмир маҳсулотларини манзилли ва сифатли етказилиши ҳамда белгиланган қатъий нархларда сотилиши юзасидан амалга оширилган тезкор-қидирув тадбирлари давомида 15 та ҳолатда жиноятлар фош этилиб, 1.351 млн. сўмлик 3427 тонна кўмир маҳсулотлари талон-тороқ қилинганлиги аниқланган.

Мисол учун, Департамент томонидан ўтказилган тезкор тадбирда, "А.Э" давлат корхона (? таҳр), раҳбарлари олдиндан тил бириктириб, корхонага "Ўзбеккўмир" АЖдан 2020/2021 йил куз-қиш мавсуми учун ҳар бир килограммини 221 сўмдан имтиёзли нархда ажратилаётган сифатли кўмир маҳсулотларини ноқонуний даромад олиш мақсадида, ҳар бир килограммини 500 сўмдан сотиб, уларга ишониб топширилган жами 457 тонна 100,9 млн. сўмлик кўмир маҳсулотларини ўзлаштириш йўли билан талон-тороқ қилинганлиги аниқланган.

Шунингдек, ушбу корхонага етказиб берилган 457 тонна сифатли кўмир маҳсулотлари корхона мансабдор шахслари томонидан сифатсиз кўмир билан алмаштириб қўйилганлиги маълум бўлган. "А.Э" давлат корхонаси раҳбарларига нисбатан ЖКнинг 167-моддаси 2- қисми "а, в" бандлари билан жиноят иши кўзга тилган.

Бундан ташқари, 117 та ҳолатда кўмир маҳсулотлари олди-сотдиси билан ноқонуний шуғулланиб, кўмир маҳсулотларини қиммат нархларда сотиб келаётган тадбиркорлар аниқланиб, 682 тонна 613 млн. сўмлик кўмир маҳсулотлари олиб қўйилган.

Ш.А.ПРИЗАЕВ,

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги икстидсий жиноятларга қарши курашиш департаменти бошлиғи ўринбосари, Адлия катта маслаҳатчиси.

## ИККИНЧИ ФИКР

### ҚОНУН БОР, ИЖРОСИНИ КИМ ТАЪМИНЛАЙДИ?



Ёшим саксондан ошди, фахрий журналистман. Омма орасида юрганамда касбим тақозоси, виждон амри билан кўзимга чалинган, аҳолини қийнаётган масалалар, воқеа ва ҳодисаларнинг моҳиятига етишга ҳаракат қиламан.

Аслини олганда, мамлакат тараққиётига тўғаноқ бўлаётган муаммоларнинг кўлами юқоридан эмас, балки кўйдан туриб қаралганда яққолроқ кўзга ташланади. Шу боис, аҳоли орасидан акс-садо бериб, янграб чиқаётган овозни эътиборсиз қолдириб бўлмайди.

Мамлакатимизда турмуш тарзимизни ўзгартаришга, янгилашга қаратилган давлат манфаатини кўзловчи қатор қонунлар, шу қатори, электр энергия, газ ва бошқа ижтимоий тўлов нархларини оширишга қаратилган қарорлар қабул қилинмоқда. Аммо аҳоли манфати нўқтаи назаридан қаралганда, шундай муаммолар борки, улар сув остидаги оқим сингари эътиборсиз қолиб кетмоқда.

Мисол учун, қуйида ўзим кузатган бир воқеага эътиборингизни қаратмоқчиман:

3-6

**АЙТГАНЧА**

# Нажот — таълимда, репетиторда эмас!

Рус адаби Чеховнинг "Репетитор" деган ҳикояси бор. Бу сўз ўзбекчага "Ўзлаштириши паст бўлган ўқувчига уйда таълим берувчи" дея таржима қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси берган маълумотларга кўра, юртимизда бугунги кунда жами 1 миң 535 та ўқув маркази фаолият юртади. Шундан 923 таси кадрлар малакасини оширишга, 612 таси эса абитуриентларни ОТМ имтиҳонларига тайёрлашга йўналтирилган.



Ўқувчиларни турли фанлардан тайёрлайдиган репетитор ўқув марказлари Тошкент шаҳрида 309 та. Бу борада пойтахтимиздаги нарх-наво билан қизиқдик:

Турли фанлардан абитуриентларни тайёрлов — ойига 300 миң сўмдан — 650-700 миң сўмгача;

Чет тилларни ўргатишга йўналтирилган ўқув марказлари — ойига 350 миң сўмдан — 1 миллион сўмгача.

Ўқув марказларида айнан мактаб дастури кучайтирилган, чуқурлаштирилган ҳолда ўқитилади, холос. Ахир, таълим учқунлар билан олов ёқидир. Бўш идишни шунчаки тўлдириб эмас! Битта фанга ўртача 400 миң сўмдан сарфлаган абитуриент камидан 2 та мутахассислик фанидан тайёрланади. Унинг ойига 800 миң сўмдан тўлаб, 7 ой (январь-август) тайёрланишни ҳисобласак, еб-ичиши, кийиниши ва бошқа харажатларидан ташқари, жами 5 миллион 600 миң сўм сарфлапти. Яқунда абиту-

риент бюджет асосида ўқишга кирса, майли, камбағални туянинг устида ҳам ит қолади, деганларидек, контракт асосида қабул қилинса ёки имтиҳондан "йиқилса-чи?"

Таълим сифати паст бўлган ерда репетиторлар фаолияти ривожланади, деган гап бор. Келажакда ОТМда ўқийман деган бола борки, ўқув марказларига иши тушади. Нега бизда мактаб билими билан синондан ўтиб бўлмайди, талаба бўлиш учун репетиторга бориш шарт, қачонгача ўқувчиларимиз мактабда ўзлаштириши паст бўлиб, уйда қўшимча таълим берувчиларга эҳтиёж сезади?

Дунёда ривожланган мамлакатларнинг барчаси коррупция, илмсизлик ва жаҳолат ботқоғидан чиқишни ягона йўлини таълимда кўришган ва асло адашмаган. "38 миллиондан зиёд аҳолига 612 тагина тайёрлов курслари кам-ку! Масалан, Японияда энг кучли ўқув марказлари бор, айримларининг 240 тагача филиали мавжуд..." дейишгиз мумкин. Ака,

**Иброҳим БҮРНЕВ,**  
Навоий вилояти Хатирчи туманидаги 27-мактаб ўқитувчиси.

**МУЛОҲАЗА**



**ЖАРИМА**

"Ҳой, нонни увол қилманглар. Мактабга кетаётганда сумканга керагини сол. Дастурхондаги қолган нон ушқорларни қушларга беринглар. Биз уруш даврида бир бурда нон есак ўзимизни бахтли санар эдик..."

Болалигимизда кунимиз ана шундай дақилару панд-насихатлар билан бошланарди.

— Ҳозир уруш даври эмас-ку, бобо! — дердик баъзан жаҳлимиз чиқиб.

Аммо тан олиш керак, ҳаёл билан бўлиб, баъзида газ ёниқ қолар, чироқни ёқиб ухлаб қолардик. Яна кўп увол бўлган ҳолатлар бўлган. Аслида ҳам ноннинг қадрига етиш учун уруш бўлиши шарт эмас-ку, тўғрими? Бизга етказган неъматига шукроналик, холос.

Баъзан оддий деб ўйлаган нарсамиз ҳам бир буюм эканини биламиз, у топилади, албатта. Аммо уни топиш учун умримизнинг бир қисми сарфланади, маълум миқдорда қувватимиз кетади, буни англаямизми? Менимча йўқ. Баъзан арзимаган ишларга кунимизни беҳуда сарфлаганимизни билмай қоламиз. Кошки умримиз бекор ўтказма, деб ҳар кунни насихат қилиб турадиган болаларимиз ҳаммиша ҳаёт бўлсалар эди!

Шу ўринда Германиянинг Гамбург шаҳрида бўлиб ўтган бир воқеа эсимга тушди. Айтишича, у ерда таълим олаётган ҳамюртимиз дўсти билан овқатлашиш учун кафега кириб, таом буюртма қилишибди. Кетар чоғида столда буюртма қилинган овқатларнинг ярмиси қолиб кетибди. Бундан хабар топан "Ижтимоий таъминот муассаса"си зобити уларга эллик евро жарима солиб, тўлашини айтибди. Икки талаба норозилик билдирган экан, зобит мулоимлик билан: "Тўғри, буюртма пулини тўлагансизлар. Пул ўзлариники, лекин ресурслар барчанники. Бундан кейин увол қилманглар!" — дебди...

Талабалар эса жарима қоғозини эсдалик учун суратга олиб, танишларига жўнатган экан. "Бу бизга дарс бўлди, — дейди талабалардан бири ижтимоий тармоқда. — Чунки у бизни тежамкорликка ундаб турувчи эслатмадир".

Бизда-чи? Тўғриси, нима дейишга ақлим етмайди...

Кўп кузатаман, баъзи ҳамдастурхон дўстлар ойлик маош чиққан кун шаҳарнинг энг яхши кафеларига боришади. Столни тўлдириб таом буюртма қилишади. Кошки ҳаммасини ея олишса... Ҳа, роқ, бизда қолган таом учун жарима тўланмайди-да. Ана шунда наҳотки одам боласининг ҳафталаб ишлаб топан пулини бир-икки соатда тутатмаса, кўнгли жойига тушмаса? — деб ўйлаб қолам. Яна тагин ғазнага тўлов учун боришганида "қайтими керакмас", деб "хотамтой"лик қилишади. Ахир ўша "қайтим"ни ишлаб топиш учун қанча меҳнатимиз сарф бўлади, умримизнинг бир бўлаги кетади, негадир бунга ачинмай ҳам қўйдик...

Ростини айтсам, меҳр, оқибат каби ҳаётда кўп нарсалар қадрини йўқота бошлади. Яқинда маҳалламизда дабдабали тўй бўлди. Тўй эгалари карантин қоидаларига риоя қилмагани учун жарима ҳам тўлашди, албатта. Маҳалла раисининг айтишича, тўй эгаси: "Жарима тўласам тўлайман, аммо ҳеч қачон ўттиз кишилик тўй қилмайман", деганимиз. Тўйни ўртоқларидан кам қилишга уялар экан. Хуллас, тўй тўкин-сочинлик билан ўтди. Аммо орадан ҳафта ўтмай, тўй эгасини иссиғи баланд бўлгани учун "Тез ёрдам" машинаси олиб кетди. Шифокорлар текширувдан ўтказишса, унда коронавирус аниқланбди. Шундан икки кунда ўртасида мижоза бошланди. Вирус юктирган одамни ким бошлаб келгани устида кетган баҳс жанжалга айланди. Янги келин-кўев орасига совуқчилик тушди.

Юқоридаги воқеанинг гувоҳи бўлиб, ўйланиб қолдим: ҳа, юртимизда табиий бойликлар бисёр. Озиқ-овқат масаласида ҳам фан чекмаймиз. Лекин тежамкорлик келсак, нега бизда ҳафсала йўқ? Нега ўз меҳнатимизнинг қадрига ўзимиз етмаймиз?..

Айниқса, Германиянинг Гамбург шаҳрида бўлган воқеа менга жуда қаттиқ таъсир қилди. Ҳозирдан сув, газ ва бошқа ҳамма-ҳамма нарсани тежаб ишлатишни бошладим.

Шоҳсанам ННШОНОВА.

**БАНДЛИК**

# "TUMO" технологиялар маркази очилади

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ва Ереваннинг "TUMO" креатив технологиялар маркази ўртасида узро ағлашуве меморандуми имзоланди. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг биринчи ўринбосари Эркин Муҳитдинов ва "TUMO" креатив технологиялар марказининг франчайзинг бўйича директори С.Хескок штирок этган тадбирда минглаб ёшларга IT соҳасида бепул таълим берадиган марказ очилган.



— Вазирлигимиз олдида жорий йил давомида 70 миң ёшларни меҳнат бозорига талаб юқори бўлган касбларга ўқитишдан иборат катта вазифа турибди. "TUMO" марказининг ушбу лойиҳаси ҳар йили 12 ёшдан 18 ёшгача бўлган 1200 та ижодий технологиялар соҳасидаги ёш мутахассисларни тайёрлаш бўйича асосий вазифани ҳал қилади. Дарслар бепул бўлиб, ушбу курсларда ўқиш даври учун стипендия ҳам берилади.

Бундан ташқари, "TUMO" марказида 18 ёшдан юқори бўлган ўқувчиларни жалб қилиш орқали талабалар аудиториясини кенгайтириш бўйича миллий ҳамкорларимиз билан музокаралар олиб бормоқдамиз", деб таъкидлади вазир ўринбосари.

Жорий йил январь ойида давлатимиз раҳбарининг Юнусобод туманига ташрифи давомида Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигига Юнусобод машинасозлар касбий кол-

лежи базасида ахборот технологиялари бозорида талаб юқори бўлган касбларга ҳар йили 1200 нафардан ортиқ ёшларни ўқитадиган ва уларни ишга жойлаштиришга ихтисослашган "TUMO" креатив технологиялар марказини очиб топширилган эди.

Нега айнан "TUMO" деган савол тугилиши табиий. Сабаби бу марказ креатив технологиялар соҳасида ёшларни амалий фаолиятга тайёрлайдиган инновацион таълим платформаси ҳисоб-

Ўз мухбиримиз.

# САЛОМАТЛИК ВА МАЪНАВИЯТИМИЗ КУШАНДАСИ

Ўзинг иссиғида қизиқ турган бандлага муздекин сув жуда ёққандек туюлади. Аммо аждодларимиз фақат қишининг совуқ кунларида эмас, балки саратон жазирасида ҳам иссиққина чой ичганлари, бу удум асрлар давомида ўзгаришсиз давом этиб келгани сабаби билан қизиққанмизми? Мутахассисларнинг айтишича, қиш кунда ўз-ўзидан одамга иссиқ ичимлик ва таомлар жуда ёқсади; ёзда ҳам қизиқ турган кишининг ички аъзоларига ҳарорати кескин совуқ эмас, балки иллик-иссиқ нарсалар истеъмол қилиш фойдали экан. Бу ҳолат инсонни икки фазилат — сабри ва табиий маданият соҳиб бўлишига ҳам ўргатади. Ҳадиси шарифда сузни ўтириб ва уч марта бўлиб-бўлиб ичишга чақирилиши ҳикмати ҳам сабру қаноат ва саломатлик тарбиясига бевосита боғлиқ, иншааллоҳ.

Булар — ҳаммамизга таниш вазиятлар. Лекин салқин ичимликлар билан боғлиқ яна бошқа жиҳатлар борки, улар диққатни жалб қиладиган ранглари жимжимдор эълонлар панасида "пусиб" ётади. Эътибор берсангиз, елим идишлардаги ранг-баранг салқин ичимликларни иситиб ичиш тавсия этилмайди. Сабаби... уларнинг ҳарорати кўтарилгани сайин ранги бошқача бўлади. Бу дегани — ҳарорати ошганда бу ичимликларнинг таркибиде кимёвий ўзгариш бўлади, қайсидир меванинг таъминини, хидини берадиган кимёвий модда идишининг тагига чўқади. Энди тасаввур қилинг: муздек ичимлик ичилганда, у киши ошқозон, ичаклари ҳарорати таъсирида исийди, ундаги кимёвий моддалар ажралиб ички аъзоларга чўқади. Бу чўқиндилар йигилиб-бирлашиб тошга айланади — бу фикрларни илмий манбалардан ўқиганлар, куюнчак шифокорлардан эшитганлар, афсуски, жуда озчилигини ташкил этади.

Бу ҳам етмагандек, айни ёш кунларидан бошлаб бир қатор маҳаллий телеканалларда салқин ичимликлар бозорини қизиқитиб, уларни бўкиб ичишга чорлайдиган шоу дастурлар мусобақалари қизиқ кетади. Яъни, қай бир салқин ичимликнинг қопқоғига ёзилган пул ёки қимматбахо совғани ютиб олганлар студияларга жамланади;

республикамизнинг олису яқин худудларидан келган оилалар аъзолари миллионлаб томошабинларга ютукча эга бўлиш учун неча миң-миң сўмлик ёки неча юзлаб идишдаги сувларни сотиб олганларини завқ-шавқ билан сўзлаб берадилар.

Шу ўринда бир танишимнинг гаплари ёдимга тушди: "Хотинимга меҳмондорчиликка киийш учун кўйлак сотиб олишга пул бердим. Орадан вақт ўтди, қарасам, хотин онасиникига яна охори кетган кўйлақ боряпти. "Кўйлак олмадингми?" десам, "Э-э, у пуллари болаларингиз қиммат-қиммат салқин ичимликлар олиб тугатишди", дейди..."

Шунақа, телеэкранларда кун-кунора сув ичиш (тўғриси, сув сотиб олишга пулини ва вақтини исроф этиш) бўйича намоийн этиладиган шоулар қаҳрамонга айланади учун китоб-дафтар, мева, ақлни ривожлантирадиган қўлланмалар ўрнига салқин ичимлик харид этишга иштирок бозорлар сони йилдан-йилга кўпаймоқда, уларнинг қанчасини кап-катта ота-оналари, ҳатто боёбо бунвилари ҳам қўллаб-қувватлаб турибди. Шу ўринда шифокорларга ҳам жиддий эътирозимиз бор: уларнинг тўғри овқатланиш меъёрлари, тартиблари ҳақидаги унда-бунда айтган гаплари одамлар соғлигини емиришга хизмат қиладиган ҳар хил ичимлиги ширинликлар рекламалари олдида чивининг фил олдидаги визиллашига ўшаб қоляпти.

Тарихий манбалар, мумтоз адабиётимиз намуналари, халқ оғзаки ижодимиз мазмун-моҳияти ҳақида мушоҳада юритсак, уларнинг бирортасида меҳнат қилмасдан, жон қийнамасдан, эзгу ишларга ҳисса қўшмасдан ҳалол бойлик ёки чинакам обрўга эга бўлиш ҳақида гап-сўз, гоё йўқ. Кўпқари, улоқ мусобақаларида йигитлар моҳир чавандозлиги эвазига; қорилар Куръони карим тиловати маҳорати ҳақида; чевар қизу аёллар тикувчилик санъати ша-рофатидан; пазандалар элга манзур таомлар тайёрлаб; қурувчи муҳандислар қурган иморатлари (в.х.) боисидан эътибор, ҳурмат, исзат-иқром топанлар. Асрлар оша маънавий мерос бўлиб келаётган илмий, бадий адабиётларимизда инсон камолотининг илдилари билим, ҳу-

**БАҲС**



# Майдонда ноиблар

Навоий шаҳрида "Парламент ўйинлари" спорт мусобақаси муросасиз кечди

Оммавий спортни янада кенг ривожлантиришга қаратилган ушбу мусобақада сенаторлар ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатлари, Сенат ҳузуридаги Ёшлар парламенти аъзолари жамоалари иштирок этди.

Қизгин ва шиддатли кечган оммавий спорт турлари қаторидан муносиб жой олаётган ўйинларда жамоалар спортнинг мини футбол, волейбол, стол теннисини ва бадминтон турлари бўйича уч босқичда куч синашди.

Ушбу мусобақаларда қутилмаган натижалар қайд этилди. Шундай қилиб, волейбол тури баҳсида Зарафшон шаҳар халқ депутатлари кенгаши депутатлари жамоаси 1-ўринни эгаллади.

Эрақлар ўртасида ўтказилган стол теннис бешбосқичлигида эса 1-ўрин халқ депутатлари Навбахор тумани депутати Илҳом Ибрагимовга насиб этди.

Аёллар ўртасида стол теннис бешбосқичлигида халқ депутатлари Навоий вилояти Кенгаши депутати Маҳфуза Ҳамраева голибликини қўлга киритди.

Эндиликда халқ ноиблари ўртасидаги ўтказилмаган оммавий спорт мусобақалари аънавий тус олди.

**Мухтарам УЛУҒОВА,**  
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими.

**Отабек АСЛОНОВ,**  
Навоий вилояти.

# АЁЛ — МЕХР-МУҲАББАТ, БАХТ-ИҚБОЛ ТИМСОЛИ

**1-6.** Аёл, аввало, оила таянчи, жамиятнинг икки забардаст устунининг бири, келажак авлоднинг баркамол руҳда вояга етишида салоҳиятли мураббий, юртимиздан аждоқларимиз сингари буюк шахслар етиштиб чиқишида одоб-ахлоқ, тарбия қалъаси, Янги Ўзбекистоннинг янги исплоҳотлари деворини тўғри, бақувват тиклашда елкадош инсонлар.

Президентимизнинг оналаримиз, опа-сингилларимизга қаратилган табриги эса юртимиз аёлларига, барча хотин-қизларга олам-олам қувонч бағишлади. Айниқса, аёл нафақат оила бекаси, балки бугунги кунда жамиятимизнинг барча соҳаларида ўзининг меҳнати, шижоати, зийраклиги билан тараққиёт заنجирининг узилмас ҳалқасига айлангани, алоҳида қайд этилди.

Албатта, дунё ҳамжамиятида муносиб ўрнимиз бўлишида мамлакатимизда аёллар мавқеига бўлган эътибор ҳам алоҳида ўрин тутди. Ўзбекистон тарихида биринчи марта миллий парламентада аёллар сони халқаро андаза-лар даражасига етказилди. Эндликда ташаббускор ва ташкилотчи аёллар қатор туман ва шаҳар ҳокимликларини бошқараяпти. Албатта, аёлларнинг жамиятимиз ҳаётидан муносиб ўрин эгаллаётгани бугунги давр талаби. Улар наинки сиёсий доирада, балки илмий-амалий таълим муассасаларида ҳам муносиб фаолият юритаёпти. Шу билан бирга, етакчи хорижий олий таълим муассасаларида илм йўлида юқори чўққиларга эришадиганлар орасида юртимиз вакиллари борлиги эъзозга лойиқ.

Байрам арафасида Инновацион ривожланиш вазирлиги ташаббуси билан Ўзбекистоннинг АҚШдаги элчихонаси ва Президент администрацияси ҳамкорлигида ўзбеклар орасида биринчи бор Колумбия университетининг “tenure track” тизимида умрбод профессорликка етакчи лавозимга қабул қилинган Азиза Шаназарова ҳам пойтахтимизга етиб келди. Тантанали маросимда Президентимиз томонидан “Дўстлик” ордени билан тақдирланди. Ҳа, юрт равнақи йўлида қилинаётган ҳар қандай меҳнат беиз кетмайди.

Ўзбек хотин-қизларининг фан чўққиларини забт эта бошлагани бежиз эмас, албатта. Кейинги йилларда давлатимиз томонидан ўқиб-ўзлаштириш, таълим олиб илмий изланиш қилиш учун яратилаётган қулай шарт-шароитлар Учинчи Ренессанс даври пойдеворини мустаҳкам қўйишда аёлларнинг ҳам ролини ошираёпти.

Президентимиз ўз табригида: “Агар сиз фарзандингизга дангиллама уй қуриб берсангиз — вақти-соати келиб, у эскириши мумкин. Агар энг зўр машина олиб берсангиз — уям тез орада эскириши мумкин. Агар унга моддий бойлик, пул қолдирсангиз — уям бир кун сарф бўлиб тугаши мумкин. Аммо дунёда ҳеч қачон эскирмайдиган, йўқолмайдиган бебаҳо бир бойлик борки, у ҳам бўлса, фарзандингизга берган билим ва ҳунардир. Лекин билим ва маърифатни қаердан, нимадан олиш мумкин? Аввало, китоб деган хазинадан”, дея таъкидлади.

Ана шундай китобга ошно тутинган қалблар бугунги кунда юртимиздаги олий-илмий таълим йўналишларида меҳнат қилаётибди. Улар орасида 660 нафар фан доктори, 8 нафар академик унвонига эга бўлган аёллар бор. Бундан ташқари, илмий-тадқиқот институтларида 3000 нафарга яқин хотин-қизлар илмий иш билан машғул. Улар кимё, биотехнология, қишлоқ хўжалиги ва бошқа соҳаларда аслият тадқиқотлари, инновацион ишланмалари билан юртимиз ривожига ўз хиссаларини қўшаёпти.

Шунингдек, юксак эътирофга лойиқ аёллар издошлари — иқтисодчи банд, истеъдоди юқори бўлган қизлар ҳам вояга етмоқдаки, Президентимиз табрик нутқида турли соҳаларда юксак ютуқларга эришадиган ўзбек қизларига қарата шундай деди: “Чиндан ҳам, қизларимиз — бизнинг келажакимиз, миллиятимиз генофондини асрайдиган, муносиб давом эттирадиган инсонлардир”.

Tashkent city мажмуасида барпо этилган “Конгресс маркази”да ўтказилган тантаналарда юртимиз хотин-қизларига юксак даражада эҳтиром кўрсатилди. Байрам шодиёнасида Сенат, Олий Мажлис, ҳокимликлар, илм, ишлаб-чиқариш соҳаларида эришган ютуқлари билан халқ назарига тушган аёллар давлатимизнинг

нуфузли унвонлари, орден ва медаллари билан тақдирланди. Айниқса, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг собиқ раиси марҳум Саъдулла Ҳаким жуфти ҳалопи — Ҳакимова Санталат аяга кўрсатилган эҳтиром барчада илиқ таассурот қолдирди. Санталат ая Президентимиз кўлларида “Дўстлик” орденини қабул қилар экан, олқишлар янгради.

Тантананда илм-фанда, саноатда, маданият ва спортда алоҳида ютуқларга эришган қизларимизга Зулфия номидаги давлат мукофоти топширилиши ҳаяжонли кечди. Улар орасида мўъжаз ҳикоялари, илқ илмий-тадқиқот бадиалари “Hurriyat” газетасида чоп этилган, ҳозирги кунда Жиззах педагогика университетининг иккинчи босқичида таълим олаётган Муқаддас Мамарасулованинг борлиги тахририятимиз жамоасини ҳам мамнун этди.

“Аёл борки, олам мунаввар”, бу жумлани оддийгина айтиб бўлмайди, балки унинг таъъинини англаган, синоатини еча олган ҳолда айтмоқ жоиз. Инсон яралибдики, аёлга алоҳида эҳтиром кўрсатилади. Аёл ҳар бир касб вакили томонидан бетакрор жумлаларда мадҳ этилади. Энг муҳими, қайси соҳа вакили бўлмасин, аёл эркакнинг ажралмас қаноти, бутлиги, дунёнинг тугаллиги, ҳаётнинг давомийлиги, борлиқнинг нафосати эканлигини, албатта, тилга олади. Шу сабаб, санъат асарларига қарасангиз ҳам, аёл ўзгача дид, ўзгача ҳиссиёт, ўзгача қувваи ҳофиза билан тараннум этилганига гувоҳ бўласиз.

Шу кун аёлларни эъзозлаб, уларнинг изланиш ва ютуқларига имкон яратаётган, рўзгор юкини елкасида тутаятган, фарзанднинг жамиятнинг муносиб вакили бўлишида меҳнатини аямаётган биз — эркаклар ҳақида ҳам сўз юритар экан, Президентимиз: “Биз — Ўзбекистоннинг мард ўғлонлари, эр йигитлари сиз, азизларга бўлган ҳурматимиз, меҳр ва муҳаббатимизни оилаларимиз, эл-юртимиз ҳаётини янада обод ва фаровон қилишга қаратилган амалий ишларимиз билан изҳор этишга интилоқдамиз”, дея эътироф этди.

Юсуф Жўраев.

**1-6.**

Бир аёл фарзанди билан автобуга чиқди. Афтидан улар мактабга шошилишди. Бир неча бекат ўтиб тушишадиган бўлди. Аёл йўқира ҳақини ҳайдовчига узатди. Ҳайдовчи дағаллик билан: “Йўл ҳақи етти ёшдан тўлиқ тўланади”, деган эълонни ўқимадигизми,” деб кесатди. Ноқулай аҳволга тушган аёл: “Бор йўғи икки бекатга ҳам, йўналишининг бошидан охиригача ҳам, каттага ҳам кичкинага ҳам бир хил тўлов экан-да”, деб яна чўнтак қовлади...

Бу ҳолат бошқа йўловчиларнинг ҳам эътирозига сабаб бўлди.

Йўловчилар ривожланган мамлакатларда бу масала адолатли, яъни масофанинг узоқ-яқинлигига қараб ҳал этилганини муҳокама қила бошладди. “Тўғри-да, бу борада инсоф ва адолат бўлиши керак”, деган фикрга келишди. Улар ноҳақ эдимми? Бизнинг-ча, ҳақ эди!

## ҚОНУН БОР, ИЖРОСИНИ КИМ ТАЪМИНЛАЙДИ?

Ҳақиқатан, йўналишининг бошидан охиригача келган одамга ҳам, бир-икки бекат юрганга ҳам бир хил нарх тўлаш адолатдан бўлмас.

Лавозимга янги тайинланган айрим раҳбарлар бир пайтлар: “Пойтахт кўчаларига ўқувчиларни манзилга етказиб қўядиган махсус автобуслар қўйилади”, деб “хурматимизни қозонишувди”. Афсуски, улар бу эзу ишлар қачон, нечанчи йилда амалга оширилишини айтишмаган экан. Энди лавозимига обдон жойлашиб олишди. Балки ваъдаси эсидан ҳам чиқиб кетгандир...

Начора, “Оч қорним, тинч қулоғим”, деб юраверсанг устингдаги кийиминга ҳам солиқ солишди. Аммо буни қарангки, аҳолига кўрсатилмаётган транспорт хизматини янада яхшилашга масъул идоралар раҳбарлари ҳам жим, “Сен менга тегма, мен сенга тегмайман”, қабилида юзидан ёғ томиб юришибди. Тўғри, уларнинг болалари энгил машинада мактабга бориб келишади. “Танаси бошқа дард билмас”, деганлари бежиз эмас экан-да. Ҳолбуки, ўқувчилар учун шаҳар ичида қатнайдиган автобуслар хизматини бепул қилишса, бугунги кунда табақаларга ажралган аҳолининг ўртача, ночор, ўрта ночор, ўта ночор яшаётган қўйи табақалари оилаларнинг иқтисодий-моддий манфаатларини ҳақиқатан ҳам ҳимоя қилган бўларди.

Бундан ташқари, ўзига тўқ оилалар фарзандларини шахсий транспортда мактаб ва боғчага обориб, олиб келишади. Аммо гап аҳолининг қўйи, ночор қатлами ҳақида кетяпти. Улар ижтимоий ҳимояга чиндан ҳам муҳтож. Буни кўра-била туриб, аслида бундан кўз юмуш маърифатли арбобларга ярашмайди. Нима қилиш керак? Маърифатнинг бозори йўқ! Бўлганда сотиб олиб берармидик.

Энг ачинарлиси, ночор аҳоли халқимизнинг асосий қисмини ташкил этади. Қандайдир тармоқларга мислсиз катта маблағлар ажратилаётган бир вақтда,

наотки унинг бир қисмини давлатимиз мамлакатимиз фарзандларига ажрата олмаси? Агар сарфлай олсак, ўшанда адолат ўрнатилган бўларди. Аҳоли Янгиланаётган Ўзбекистоннинг янги ҳаёт тарзини ўз турмушида қўриб, ўзгаришларга ишониши керак.

Валлоҳи аълам, халқимиз орасида ўта бой, аъло, яхши, шу қатори, ўртача, ночор, ўта ночор яшаётган табақаларга ажралиб бўлди. Бунга ҳам, аслида, ўзимиз сабабимиз. Бунинг устига, қонунлар ва қарорларга амал қилиниши эскичилигига қолмоқда.

Мана, яна бир бўлган воқеа, ўзингиз ўйлаб кўринг. Яқинда бир жувон “Сиз кекса журналистсиз, менга тушунтиринг, уч нафар вояга етмаган фарзандим учун ёрдам сўраб туман ижтимоий таъминоти бўлимига ариза билан мурожаат қилгандим. Бир ойдан сўнг “Вазирлар Маҳкамасининг 308-сон қарори, 3-иловасининг “Д” бандига асосан сизнинг 02-12-2020 йилдаги мурожаатингиз рад этилди”, деган жавобни олдим. Турмуш ўртоғим мавсумий ишчи бўлгани учун

рад этилибди. Энди кимга мурожаат қилсам бўлади?” — деди. Хурматли халқ ҳимоячилари, сиз турли “Темир дафтар”ларни юритаёсиз, улар қайси табақлага мўлжалланган?

Мен муҳтарам мутасаддиларга бир гапни айтмоқчи эдим: мабодо ўзингизни ўша ночор одамлар ўрнига қўйиб кўроласизми? Учта болангиз юпун кийиниб, ёнида ҳатто уч-тўрт минг сўм пули бўлмаган мактабга борса, бунинг устига йўловчи ташиш транспортда катталар қатори йўл пули тўлаб юрса, ҳозирги кўпгина юқори лавозимдаги, яъни 10-15 миллион сўм маош олиб ишлаётган мутасаддиларга нима деган бўлардингиз?

Балки ўшанда чиқараётган қонун ва қарорларингизни тартибга келтирардингиз?!

“Мустабид” деб аталаётган собиқ иттифоқ даврида ҳам йўловчиларга хизмат кўрсатаётган шаҳар ичидега автобуслар ҳақи ошиб кетмаслиги учун шаҳар бюджетидан қўшимча маблағ ажратилганини, болаларга 14-18 ёшгача ижтимоий таъминот томонидан нафақа берилганини катта ёшдагилар яхши билишади.

Вазиятни била-кўра туриб бу ҳақда гапирмаслик менинг фуқаролик, қолаверса, журналистик бурчимга тўғри келмайди, деб ўйладим. Бу масала юзасидан аввал ҳам, аниқроғи, 2018 йил 30 ноябрда Президент Халқ қабулхонасига, бундан сал олдин, Тошкент шаҳар ҳокимлигига мурожаат қилганман. Бор-йўғи: “Таклифингиз “Вазирлар Маҳкамасига ҳавола этилди”, деган кўнгироқдан бошқа, бирон-бир жавоб олганим йўқ. Энди бу мулоҳазаларим ҳам “сувга тушган тош дай” йўқолиб кетмасмикин?..

Суръатхон АБДУКАРИМОВ,  
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист,  
меҳнат фаҳрийси.



### Қадрли ва мунис аёллар!

“Туронбанк” Ақциядорлик тижорат банкци жамоаси  
Янгилашиш ва нафосат байрами бўлиши —  
Халқаро хотин - қизлар куни  
билан меҳрибон оналаримиз, гамхўр  
опа — сингилларимиз, ишбилармон  
аёлларимизни чин қалбдан  
муборақбод этади!

Байрам муносабати билан  
“Омадли бонус” омонатини таклиф этамиз  
Муддати - 12 ой Йиллиқ 20%да  
Ақцияда иштироқ этинг ва маблағингизни икки  
баробар миқдорда қайтариб олинг!



Публицистни ҳаётнинг ўзи ўқитади

УЙҒОҚ СЎЗ

Бугун қайси даврада бўлмасин, сўз аввали ўтган бир йил мобайнида дунё ҳамжамиятини жиддий таҳлилга солган ва ҳамон юракларни зирқитиб турган COVID-19 пандемияси, бу машаъу касаллик келтириб чиқарган оқибатлар, ақли жаҳоннинг мана шу ўтган вақт мобайнида карантинда ва ундан кейин чиқарган сабоқлари ҳақида бўлмоқда. Албатта бу табиий. Чунки, мана бир йилдан ошдики, бутун дунё, шу жумладан, мамлакатимиз аҳолиси ҳам ана шу пандемия шароитида кун кечирмоқда. Юзларимиздаги ниқоблар ҳали олинганча йўқ, Оралқ масофалар сақланмоқда. Гарчи, бугунга келиб пандемиянинг шашти, Оллоҳга шукр, бирмунча қайтди. Бу ҳам, аввало, Худди таолонинг беқисс марҳамати бўлса, қўлаверса, мамлакат Президентидан тортиб, оддий доҳонгача бутун халқнинг саъй-ҳаракати, сабр-тоқати, шижоатли меҳнати натижасидир.

Пандемия шароитида касалликка қарши бевосита қурашган соғлиқни сақлаш тизими, ички ишлар, хавфсизлик ва бошқа кўплаб соҳа ходимлари қаторида журналистлар, ёзувчилар, ОАВ билан боғлиқ барча иккидўй ва техник ходимларнинг ҳам меҳнатларини таъкидлаш керак. Касалликка оид дунё ва мамлакатда кечаётган воқеа-ҳодисалар, талафотлар, қўриқилар қаторида кўнгилларга таскин берувчи хабарлар, янгиликларни ижтимоий тармоқлар, газета-журналлар, радио-телевидение орқали айнан ана шу соҳа ишчилари халққа етказиб турди. Демак, улар худди COVID-19 га чаплинган бемор билан бевосита мулоқотга киришган шифокор каби касалхоналарда, даволаш ва касалликни аниқлаш марказларида бўлиб мавзунин ёритдилар. 2020 йилда чоп этилган газета-журналларни ва рақаркансиз, шу йили нашрдан чиққан китобларни ўқиркансиз бунга гувоҳ бўласиз.

2020 йилда чоп этилган публицистика жанрига оид китоблар ҳақида мақола тайёрлашни ўйлаб, шаҳардаги китоб дўконларига бордим. Тўғриси айтсам, турли жанрларда, турли мавзулардаги китобларни кўриб кўзи кмашиб, ақлим шовиб қолди. Қани энди бу китоблар бундан қирқ-эллик йил аввал, одамлар китобга ташна замонларда чоп этилган бўлмасин... Рус классикасида тортиб, ўзбек мумтоз адабиёти ва замонавий шор ва ёзувчиларининг манаман деган асарлари кўп-кўп дўконларининг пештахталаридан муносиб юзи олган. Аммо... Агар китобларнинг ранго-ранглигидан қамашган кўзларим алдаман, қаршимдан чиқиб: "мен ёзарманман" деган номларнинг кўпчилигидан шовиб қолган ақлим адашман бўлса публицистика жанрига оид 2020 йилда чоп этилган китобларни топа олмадим. Йилнинг кўзларим алдаган, ақлим адашган бўлсин дея, ёзувчилар уюшмасига келиб публицистика кенгашининг раиси Аҳмаджон Мелибовевга мурожаат қилдим.

Йўқ, ҳартугул бу ерда бир нечта китоб бор экан. Уларнинг айримларини ўзим ҳам ўқиган эдим. Бу китоблар ҳақида кейинроқ сўз юритамиз. Ҳозир эса яна дўконларда том маънодаги публицистик асарларнинг камбўлиги ҳақида. Публицистика қандай жанр ўзи? Ёзувчиликка ҳеч қандай ўқитмайди. Аммо аксарият ёзувчилар газета-журналларда ишлаб, журналистиканинг қатъий нониини еб ёзувчи бўлишдан бор гап. Демак, улар дастлаб публицистика билан шуғулланишган. Зотан публицистика содда қилиб айтганда, ижтимоий-сиёсий мавзуларда ёзилган мақола, очерк, яна памфлет ҳам публицистик асарлар сирасига қиради. Кейинги даврларда публицистик эсселар адабиётда кенг ўрин эгалламоқда. Мазкур жанр матннинг узун ёки қисқалигига қараб эмас, унда кўтарилган мавзунинг долзарблиги ва ифоданинг, таъкиднинг ўқувчиға нечоғли ўқишли қилиб етказса олиши билан оддий мақоладан ажралаб туради. Қизқ бир ҳолат. Кўпгина таниқли публицистик адабиёт институтини ҳам, журналистика факультетини ҳам ўқимаган. Масалан таниқли совет публицисти Анастасий Аграновский маълумоти бўйича тарихчи. Ҳарбий мутахассислиги эса авиация штурмани бўлган. Усмирлик йилларида расом-мультипликатор, кейинчалик эса кинооператор ёрдამчиси ва ҳоказо вазифаларда

ишлаган. Айтмоқчимизки, публицистни ҳаётнинг ўзи ўқитади. Унинг ҳаётий тажрибалари қанча кенг бўлса, қаламга олаётган муаммони қанчалик чуқур билса ёзган асари ҳам шу даражада ўткир бўлади. Ҳўш, нега бугунги кунда китоб дўконларида публицистик асарлар кам учраётми? Ҳаётимизда қаламга олишга аризулик мавзулар йўқми? Ёки ёзувчиларимизнинг маҳоратлари етишмайдими? Аслида ҳаммаси жойида! Мавзу ҳам бисёр! Маҳорат ҳам керагича топилади! Бундай публицистик китобларга харидор бўладиган нашриётлар йўқ! Борларига эса ўзингиз пул тўлашингиз керак! Аслида алпақандаи олдичи романилар эмас, ҳаётимиздаги, ҳар кунни кўриб-биллиб юрган муаммоларни қаламга олган публицистик мақоланинг харидори кўп бўлиши керак эмасми?! Мен аминманман, ҳозир ижод билан шуғулланаётган (шуғулланмаётганлари ҳам) ёзувчининг тортмасида камида иккита публицистик тўпламга етадиган мақола ва очерклар, эсселари, хатлари бор. Шаҳсан менда тўртта тўплам етибди. "Ўзимизнинг ўзбеклар" номли тўпламининг 1996 йилда тайёрлаганман. Бундай китоблар Ҳаким Сатторийда, Аҳмаджон Мелибовевда, Зухриддин Исомиддиновда, Набижон Бойқидда йўқми? Бор албатта! Бугун публицистик (нафақат публицистик) китоб чоп этириш учун ё зарингиз, ёки зўрингиз бўлиши керак!

Энди бевосита 2020 йилда чоп этилган ўзим ўқиб чиққан айрим ижтимоий, сиёсий ва илмий публицистик китоблар ҳақида тўхталиб ўтамиз. Оқорида таъкидлаганимдек, нафақат мамлакатимиз учун балки бутун дунё миқёсда ўтган йил оғир келди. Сирасини айтганда, китоб дўконлари пештахталаридан публицистик асарларга етарли жой топилмаганининг асосий сабабларидан бири ҳам карантин тўғрисидаги нашриётларнинг тўлиқ ишламагани бўлса ажас эмас. Шунга қарамай бир нечта муаллифнинг асарлари дунё юзини кўрди. Улардан бири Аҳмаджон Мелибовевнинг "Энди ажал ҳаммаси ехуд дунёни титратган 40 кун" сиёсий-маърифий публицистик кундалиғидир. Мен ўқиб чиқиб шундай хулосага келдим: агар мазкур китоб чоп этилмаганида эди, биз ўтган йили дунё ҳамжамияти, шу жумладан, халқимиз бошидан кечган жуда катта фожиали воқеа-ҳодисалар, инсонларнинг сабр-тоқати, оғир кунларда бир-бирларига кўрсатган меҳр-оқибатлари баробарида, шайтоний ҳис-туйғуларга берилган кишиларнинг нақадар тубанлашиб кетгани ҳақидаги бир ёзувчининг мажбурий муҳофазасида ўтирган бир инсоннинг кўрган-кечирганлари, ўй-фикрлари, орузлари, ўқинган-ёзганларидан беҳабар қорак эдик.

Ҳа, китобда қаламга олинган воқеа-ҳодисалар, тождор вируснинг бутун дунё ақлининг бошига келтирилган балолари, уларни даф этиш учун инсоният томонидан қай даражада бўлмасин қўрилаётган чора-тадбирлар, яхши ва ёмон хабарлар, кўнгилга таскин берувчи янгиликлар ижтимоий тармоқларда, жаҳон ахборот агентликларининг сайтларида, газета-журналларда, телевидениеда, чет эл радио эшитиришларида ўқилган ва ёзилган. Ва ҳамон давом этмоқда. Аммо ўша бор маълумотларни тизимга солиб, уларни теварак-атрофда кечаётган кечмишларга йўғириб ҳаётий хулосалар чиқара билиш учун ҳам халқ тили билан айтганда ўқув зарур бўлади. Китобни кунба-кун ўқир экансиз ёзувчининг ана шу ўзига хос ўқувчи ҳис қиласиз. Ҳўйимиз: "6 апрель. Янги Ўзбекистон"да эълон қилинган мақолани яна қайта ишладим, янги факт ва мушоадалар билан тўлдирдим. Мақоланинг яқини бутунлай бошқача бўлди ва "Ўзликка қайтми ехуд трактор билан чизиб бўлмайдиған сурат"(2020 йилнинг январь ойида интернетда тарқалган италиялик фермер Дарио Гамбарининг ўз даласига трактор билан "КОРОНАВИРУС" деган сурат чизганига ишора - Е.Х.) номли сарлахва остида Ўза сийтида эълон қилинди... Шу кунги компьютер ихтиёрида узок қолиб кетдим. Назаримда биз зиёлилар қандайдир сусткашлик қила-



ётганга ўхшаймиз. Фидойи шифокорлар касалликка чалинган ҳар бир беморнинг ҳаёти учун курашмоқдалар. Биз чи...? Ҳаётимда бир нималар айлана бошлади ва қулидаги матн юзага келди: "Коронавирус ҳужури боис инсоният Иккинчи жаҳон урушидан кейинги энг оғир кулфатга дучор бўлиб тўрибди..."

Шу тариқа ёзувчи дунё бўйлаб бу кулфатдан қутулиш чоралари қўрилаётганига қарамай аҳвол тобора қийинлашяётгани, аммо инсоният бу балони даф қилишдан чекинмаслиги зарурлиги, бу борада мамлакатимизда Президент раҳбарлигида олиб борилмаётган тадбирлар ҳусусида тўхталиб давом этади: "Ўзбекистон халқ шоири Охунжон Ҳакимов вафот этди. Устоз кейинги беш-олти йил ичида Хива боқисини ҳусусида "Тош ёнғок" номида тарихий роман ёздилар. Мавзуға доир неча ўнлаб, балки юзлаб маъналарни кўриб чиққанларга қойил. Қўллашди ўқидик, фикр-мулоҳаза билдирдик. Бир йил ўтириб, тақлифларимиз асосида романини қайта ишлаб келдик. Нашрга тайёрлаш арафасида эдик. Афсус..."

Кечки хабар. Фарғонада туман кенашли депутати Абдуллажон Исоқов эҳтиёжманларга ёрдэм кўрсатиш учун уйини солган. Юқорида келтирилган парча кундалиғиди энг қисқа матн. Биз уни янада қисқартириб олдик. Шунинг ўзиде ҳам мамлакатнинг юрак уришини яққол сезасиз... Миллатимиз улугларининг ҳаётларидан келтирилган лавҳалар, ривоят ва ҳикоятлар эса кундалиқнинг ўқишлилигини янада оширган. Биз сўз юритмоқчи бўлган иккинчи китоб -"2020: МИЛЛАТНИ УЎГАЙТИРГАН ЙИЛ" тўпламидир. Унга "Ишонч" ва "Ишонч-Доверия" газеталарида 2020 йилда чоп этилган мақола, долзарб хабар, ёзуви ва журналистларнинг публицистик чиқишлари жамланган. Китобдаги мақолалар жамиятимиз ҳаётининг турли жаҳдаларини қамраб олгани билан алдоҳа аҳамиятли. Ростдан ҳам ўтган йил нафақат ўзбек миллатини, айни пайтда бутун инсониятни улағайтирди, уйқудан уйқотди, деб қўшмича қилса бўлади. Бу ҳолни тўпламга киритилган қатор мақолаларнинг долзарб мавзуларда ёзилгани, ўқувчининг диққатини муаммонинг, қўйилган масаланинг илдизига қаратиш, таҳлили кенг олиши каби публицистик талабларга жавоб беришида ҳам қўриш мумкин.

Тўпламда COVID-19 пандемиясига қарши кураш жараёнлари, соғлиқни сақлаш, ички ишлар ва бошқа соҳа ходимларининг фидокорона меҳнатлари, Бухоро тўқони, Сардоба тошқини, Сўх воқеалари каби самовий ва оризий бало-қазоларга муносабатдан тортиб,

миллий гоя, маданият ва маърифат, қадриятларнинг жамиятдаги ўрни, бу соҳалардаги ютуқ ҳамда муаммоларга ҳақ таҳлили топан. Шунинг алдоҳа таъкидлаш ўринлики, кейинги йилларда ОАВ, хусусан, газеталаримиз тобора эркинлашиб бормоқда. Бу ҳолни "Ишонч", "Нуртўй" газеталарининг чиқишларида кўриш мумкин. Хусусан, мазкур тўпламга киритилган иккита публицистик чиқиш ҳақида тўхталиб ўтамиз. Улардан бири Шойим Бутаевнинг "Портламаган миналар" мақоласидир. Мустикаллигимиз тарихидан маълумки, 1999 йилда қўшни Тожикистон республикасида фуқаролар уруши кўзголиб, Ўзбекистон томонидан икки ўртадаги чегаралар бўйлаб миналар жойлаштирилган эди. Кейинчалик Тожикистонда уруш ҳам тўхтади. Узаро урушган томонлар ярашиб ҳам кетишди. Аммо чегараларга ўрнатилган миналар эҳтиёт шарт қандай бўлса, шундайлигича қолди... Бу жойларда истикомат қилдиган аҳолининг хавфсизлиги ҳақида ҳеч ким ўйламади. Тожикистон томони миналарни биз қўймаганимиз деди, Ўзбекистон эса миналарга мамлакатнинг ҳарбий муҳофазаси сифатида қаради...

Муаллиф мазкур чиқиши билан жуда муҳим сиёсий-ҳарбий масалага эътиборни қаратган. Чегараларни миналаштириш натижасида ҳар икки томоннинг тинч аҳолиси ўртасида ўлганлар ва жабрланганлар бўлгани ҳақида ёзди.

Ўтган йили чоп этилган очерк ва эсселар жамланмасидан яна бири бу таниқли журналист ва ёзувчи Ашуралӣ Жўраевнинг "Ўйғониш замонинг муборак бўлисин" китобидир. Сарлавадан ҳам сезилиб турибдики, муаллиф ўз китобда кейинги йилларда мамлакатимизда, хусусан, улуг шоиримиз номин билан юри тулувчи Навоий вилоятда юз бераётган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар ҳақида қалам тебратди. Шунингдек, китобдан ёзувчининг маънавият, маърифат, одоб-ахлоқ, китоб мутолааси билан боғлиқ бир қатор ўқишли мақолалари, эсселари ҳам жой олган. Китобдаги "Тинчликка таъзим қил", қадим зиёратгоҳлардан бири Нурота ҳақидаги "Нурота -покланиш каъбаси", шоира Ойдин Ҳожиеваннинг "Тонг тўғралари" китоби муносабати билан ёзилган "Ойдин кўшиқлар", "Китоб ва кетмон", "Тарбия фаршталари" каби очерк ва эсселари китобхонда ўзига хос таассуротлар, фикрлар уйғотди. Фикр уйғотган асар эса диққатга сазовордир. Нурота ҳақидаги очерк самимий ёзилган. Жуда яхши гаплар, ўғитлар айтилган. Агар мана шу самимият Нурота билан боғлиқ ривоятлар, ҳикоятлар билан боғлаб айтилса эди, уларнинг таъсирчанлиги янада кучаярди. Мазкур очеркнинг номланганини ўйлаб кўриш керак, чамамда. Албатта, зиёратгоҳлар инсон руҳини поклайди. Аммо Испомда покланиш Каъбаси деганда ёлғиз Макка-ю, Мадина зиёрати назарда тутиллади. Яна ҳам билмадим.

Адабиётшунос олим ва ёзувчи Зухриддин Исомиддиновнинг ўтган йили чоп этилган "Сўз қисмати" китобиде эса муаллиф юқорида айтилган "Ассалому алайкум" лафзининг кечмишини тадқиқ этиш жараёнида унинг замонларга кечган қисматини кўрсатиб берган. Жумладан, "Ассалому алайкум"нинг диин ибора сифатида қатагон қилиниб, оддий "салом"га айлангани, бу каломнинг тарихий мақоми, унинг турли деворларга боши урилиб пачакланиб кетиш арафасида яна тилимизга қайтгани Бобур Мирзо кузатишларини, "Ўтган кунлар"даги манзаралар ва ниҳоят бугунда дарсга кирган ўқувчиға "Ассалому алайкум" деб, гўё кичиклар каттага салом бераётгандек туюлсада, аммо саломлашининг этикаси бузилаётгани, шунингдек, узаро салом-алқидиға бошқа кўплаб эврилизмлар, Оллоҳга салом беришининг но-жозиллиги, янги кепинларнинг саломларига қайнона-



ларнинг зуғумлари ҳақида ҳаётий мисоллар келтирилади.

Китоб ўқувчиға этнографик этюдлар сифатида таништирилади. Аммо китобни синқиклаб ўқисангиз унда публицистик руҳ кўчи эканини сезасиз. Илм публицистик оханг касб этади. Сўзларнинг қисмати инсон ҳаёти, унинг тақдири, турмуш тарзи билан чамбарчас боғлиқда оид бўрилади. Китобдаги "Почча" сўзининг тарихига оид, "Ҳасса, ҳассақашлар ва бойлаш", "Тулпор отнинг қаноти" каби кўплаб сўз ва иборалар ҳақида жуда қизиқарли маълумотлар берилган.

Ҳаммамиз яхши биламиз ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилиши мустикаллигимизнинг энг асосий рамзларидан бири бўлди. Аммо мана ўттиз йилдики, ана шу муборак рамз рўйи-рост буй кўрсатма-япти. Нафсилаларини айтганда бу ҳақида энг кўп бонг ураётган олимлардан бири, балки, асосийси Зухриддин Исомиддиновдир. Биз тилга олган китобда ҳам ёзувчининг "Миллатнинг онаси" сарлавағи жуда оғриқли публицистикаси жой олган.

Ўқиймиз: "Айримлар тил байрамлари арафасида жўшиб-жўшиб, "Ўзбек тили бизниге энг катта бойлигимиз", "Она тилимиз -фаҳру гуруримиз", "Ўзбек тили -маданиятими кўзгуси" дея "афоризмлар" шжод қила бошлашлади. Менинч учин она тилим - бойлаш эмас. Негаки, киши бойлигиндан ажрасса, қайғулади, аммо боши омон бўлса яна топади. Тил бой бериладиган бўлса-чи? Абдулабад авлоди айтлади. Шунинг учун ҳам она тилимиз бизниге бойлигимиз эмас, борлигимиз, бору ўйғимиз..." Иқтибос тугади. Изоҳга ҳожат йўқ назаримизда...

Ўтган йили яна бир қатор таниқли ёзувчиларнинг публицистик асарлари чоп этилганини эшитдик, аммо маълум сабабларга кўра уларга ета олмадик. Жумладан, истеъдодли ёзувчи Зухриддин Дўстмуҳаммаднинг 4 томлик асарлари чоп этилганидан, унинг 4-томи публицистик асарлар эканидан хабар толдик. Ўқинганлар бўлса айтишар. Лекин биз филолог олим Ҳалим Саиднинг "Ўзбекистон олимлари" руқни остида Зухриддин Дўстмуҳаммад ҳақида ёзган публицистик асарига рўпара келдик. Китоб жуда самимий, ортиқча офаринбозликдан холи, ўқишли ёзилган. Жумладан, муаллиф сўзини публицистик ёзувчининг бундан йилгирма йиллар олдин чоп этилган "Ўзод иштироб кувончлари" рисоласида ўзи кашф этган ҳақиқатлардан бошлади. Ўқиймиз: "Инсоният тафаккури аналэб етган энг улкан ҳақиқат - Оламнинг яхлиб бир бутунлиғидир! Ушбу оламни тутиб турган Мутлақ мувозанат - Мутлақ уйғунлик - иккинчи ҳақиқат! Ана шу икки ҳақиқатдан келиб чиқувчи учинчи ҳақиқат - инсоннинг билшиға мойшлығы!" Иқтибос тугади.

Мухтасар қилиб айтганда, Ҳалим Саидов ўзининг мазкур "Ҳаётнинг қадри, қиммати..." китобиде олим, ёзувчи ва публицист Х. Дўстмуҳаммаднинг ўзига хос иход тарзини, иқтидорини ишонарлини очиб берган.

Хуллас, 2020 йилда чоп этилган айрим публицистик китобларни ўқиб, топан-йўқчаларимиз шулар бўлди.

Ёқубжон ХўҶАМБЕРДИЕВ.

ФИКР

Талабалик – олтин даврим, дейишди. Бўлса бордир, аммо тўғриси айтсам, менга сезилмаяпти. Бир вақтлар талабаликни бошқача тасаввур қилардим, ҳозир эса...



ГАЗЕТАДАН ҚЎЙМАСИН...

Университетда виждонан дарс ўтадиган, билимли устозлар йўқ эмас. Аммо тўрт йилдан сўнг қўлига диплом тутқизиш у ёқда турсин, соҳанинг яқиниға йўлатишга арзимайдиган талабаларга "кун чиқиши" ғалати туюлар экан. Очиғи, уларни кўриб, бошланғишу шу бўлса, кейинчалик ҳам уларга сўтнинг қаймоғи насиб қилармикан, деб ўйлиниб қолсан.

Қисқаси, маълум вақтдан сўнг шу пайтгача университетнинг кенг ва шинам хоналарида ҳис қилмаган ҳузурни газета саҳифаларида ҳис қила бошладим. Назария куруқдир дўстим, лекин яшнар ҳаёт дараҳти, дея ёзган машҳур шоир ростдан ҳақ экан!

Ҳа, амалиётда ҳам гап кўп экан. Англаганим шу бўлдики, маърузалардан олинмаган билан ва тажрибалар амалиётда шаклланиб борар, инсонни назария эмас, амалиёт пиширт экан. Шу кунгача газетада иккита мақола чиқди. Уларнинг ўзим ёзган ва таҳрир қилинганча, газета юзини кўрган вариантларини сақлаб қўйдим. Чунки уларни таққослаш - сўзга нисбатан сабоқдир. Қачонки, инсон сабр ва бардош қилан иштилас, изланса, ўрганса, ўз "Мени" ва маҳоратини чарқлай олади. Ана ўшанда на зарга, на зўрга ҳожат қолмайди. Ҳарқалай, ҳозирча шу ақидада ишончим бор.

Мадинабону НАВРЎЗОВА, ЎЖОКУ талабаси.

УЮШМА ФАОЛИЯТИДА

Эркин ва очик мулоқот

Аёл — она, аёл — опа-сингил, аёл — суюкли ёр. Аёл бир қўли билан бешикни тебратса, бир қўли билан дунёни тебратад, деб бежиз айтишмаган.

Кунги кеча пайтахтимиздаги Миллий матбуот марказида 8 март — Халқаро хотин-қизлар кунин байрами муносабати билан Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси томонидан "Журналист аёлларнинг миллий медиамухитидаги ўрни" мавзусида давра суҳбати ташкил этилди. Тадбирда оммавий ахборот воситаларида самарали ижод қилиб келаётган истеъдодли, маҳоратли журналист аёллар иштирок этди.

Давра суҳбатини Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси қозидаги Журналист аёллар кенгаши раиси Феруза Одилова олиб борди. Уюшма раиси ўринбосари Холмурод Салимов тадбир иштирокчиларини хотин-қизлар байрами билан самимий табриқлади. Давлатимиз раҳбари томонидан аёллар меҳнати ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватланаётганини алдоҳа таъкидлади.

Эркин ва очик мулоқот тарзида ўтган тадбирда қайд



Хотин-қизлар байрамининг айнан баҳор фаслида нишонланиши замирида ўзига хос маъно мужассам. Табиатнинг уйғониш фасли, яратувчанлик ва тўқинликнинг бошланиши, гулу гулчаларнинг борлиққа ўзгача тароват улашиши, мафтункорлик кашф этиши табиатнинг байрама муносиб таъжисидир. Журналистика соҳасида фаолият кўрсатаётган хотин-қизларимизнинг жамиятимиз тараққиётидаги ўрни беқисс. Zero, кун нафасини ўзининг ўткир ниғоҳи билан оммаға тақдим этаётган қалам соҳибаларининг ўз касбига бўлган меҳри бўлачқа. 8 март — Халқаро хотин-қизлар кунини муносабати билан вилоятдаги бир гуруҳ фаол журналист аёллар Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Навоий вилоти бўлими томонидан эсдалик совғалари билан тақдирланди.

— Бу эътибор ва рағбат бизнинг ижодий фаолиятимизга янги ҳақ бағишлади. Zero, қилинаётган ҳар бир иш ўзининг рағбатини топса тотли бўлади, — дейди Навоий вилоти телерадиокорпорацияси муҳаррири Шаҳноза Маҳмудова. — Биз томошабинга долзарб мавзулардаги кўрсатув ва лавҳаларимизни, тезкор ахборотларимизни ўз вақтида тақдим этаётганимиздан мамнунимиз.


Ўз муҳбиримиз.

МУТОЛАА

Инсоният тарихида шундай даврлар борки, унда буюк ишларга тайёр халқлар юксак салоҳиятли йўлбошчилари етакчилигида, тарихнинг муайян қисқа босқичларида, юзлаб йилларда қўлга киритиш мумкин бўлган улкан натижаларга эришганлар, ўз мамлакати доврўзғини бутун дунёга ёйганлар.

# ҚАДИМГИ ЦИВИЛИЗАЦИЯЛАР САБОҒИ

## Янги Уйғонининг маънавий асосидир



Бугунги давр ҳам худди ана шундай. XX аср охирида мустақилликка эришиб, қарийб 30 йилдан буён истиқлол йўлидан бораётган халқимизнинг Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида Янги Ўзбекистонни барпо этиш ва Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишга киришилган туб ўзгаришлар ва улкан янгиликлар давридир.

Халқ ҳаётида бир неча юз йилларда бир ёки икки марта рўй берадиган бундай улкан цивилизация кўтарилишлар даврида инсониятнинг бу борадаги илгор таърихлари мурожаат қилиш, қўлга киритилган натижалар ва ютуқларни ўрганиш, улардан фойдаланиш эҳтиёжи кучайиб бораверади.

Бу жihatдан, Ўзбекистон Фанлар академияси академиклари, атоқли олимлар О.У.Салимов ва А.Х.Саидовлар раҳбарлигида тайёрланган ва яқинда "Таълим нашриёти" томонидан чоп этилган "Қадимги шарқ цивилизацияларида ёдгорликлар" асарини ушбу жабҳадаги кенг камровли илганлишларнинг махсули дейиш мумкин.

Китоб бошланишидан оқиб унга Президентимизнинг "Биз кенг қўллаш демократик ўзгаришлар, жумладан, таълим ислохотлари орқали Ўзбекистонда янги Уйғонинг даври, яъни Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишни ўзимизга асосий мақсад қилиб белгиләдик" деган сўзлари эпиграф қилиб олингани бежиз эмас. Зеро, ушбу фикр давомида Юртбошимизнинг Ренессансдек ноёб феноменал ҳодисанинг мазмун-моҳиятини ҳар биримиз ва бутун жамиятимиз англаб олиши кераклиги алоҳида таъкидланган.

Юртимиз ўтмишига ҳолисона назар ташлаган ҳар бир киши

бир эмас, икки марта бундай ноёб Уйғонинг жараёнини кузатиши мумкин. Ватанимиз тарихида "Илк ўрта асрлар" деб юритиладиган милоннинг IX – XI асрлари, яъни Муслимон Ренессанси, ҳамда Амир Темур ва Темурийлар даври инсоният тарихининг буюк Уйғонинг, яъни Темурийлар Ренессанси бўлган шубҳасиз.

Айнан ана шундай даврларда бундай Ренессансларни яратган халқлар эришган юксак натижалар жaҳон цивилизацияси хазинасига улкан ҳисса бўлиб қўшилган, унга бошчилик қилган кишиларни жaҳон сиёсатининг энг бaлaнд сaҳнига олиб чиққан, улар фаолияти умумбaшарий тaрaққийeтa кaтaтa туртки берган.

Бу нуқтаи назардан, "Қадимги шарқ цивилизациялари бундан ёдгорликлар" асарини бундай серқирра феноменал ҳодисаларга хос инкор ва ворилик жараёни мазмун-моҳиятини англашга ёрдам беради. Зеро, айнан ана шундай асарларга таянибгина буюк аллома болаларимиз қолдирган бебаҳо мерос ва миллий қадриятларга таянадиган кенг камровли жараёнлар, ҳозирги туб ўзгаришлар ва янгиликларнинг аҳамиятини тўри тушуниш мумкин.

Ҳозир Ўзбекистон деб аталуви ҳудуд, яъни Аму ва Сирдарёлари оралиғида бизнинг Ватанимиз нафақат Шарқ, балки умумжаҳон цивилизацияси бешикларидан бири бўлганини бутун дунё тан олаётгани ҳам бежиз эмас. Бунга бир мисол септаида ЮНЕСКО шафелигида тайёрланган 6 жилдлик "Марказий Осиё цивилизацияси тарихи" номли асарни кўрсатиш мумкин. Шу кунгача кўрқу файзини, маҳобатини йўқотмаган осори атиқаларимиз, бешафқат

давр синовларидан омон қолган энг қадимги тошёзувлар, биттиклардан тортиб, бугун кутубхоналаримиз хазинасида сақланаётган минглаб қўлёмалар беқиёс маънавий бойлигимиз, ифтихоримиздир.

Қўллаб-қўллаган ва тарихнинг асослари Ватанимиз замининда дунёга келган, сайқал топган. Бу қадимий ва табаррук тулқондан улғў аждодларимиз Имом Бухорий, Имом Термизий, Мусо Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Ибн Сино, Абу Райхон Беририй, Абдуллоҳиқ Гиждубоний, Баҳоуддин Нақшбанд, Амир Темур, Мирзо Улғўбек, Алишер Навоий, Заҳрийддин Муҳаммад Бобур каби буюк алломалар, мутафаккирлар, олимлар умумжаҳон цивилизациялари ва саркардалар етишиб чиққан. Бинобарин, юксак цивилизация қадриятларини мулк жасамлаштирган бу улғў зотлар фаолияти, ижоди ва эришган ютуқлари ҳам биз учун абадул-абад маънавий камолот ва инсоний етуқлик тимсоли бўлиб қолаверади.

Аллома болаларимизнинг бизга қолдирган бебаҳо маънавий-маърифий, илмий мероси нафақат халқимиз, балки жaҳон маданияти хазинасидан муносиб ўрин олиб, инсониятни эзгулик сари етаклаб, ҳар томонлама баркамол инсонларни тарбиялаб вояга етказишга хизмат қилиб келмоқда. Бу қадар катта маънавий меросга эга бўлган халқ дунёда кам топилмади ва айнан ана шу улкан маънавий Ўзбекистонни барпо этиш, Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишда куч-қувват манбаи бўлиши шубҳасиз.

Бугунги кунга келиб, Ўзбекистон Республикасини янада

ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегияси жамиятимиз ҳаёти, халқимиз қалби ва онидан чуқур жой олди, бутун мамлакатимиз, барча соҳа ва тармоқларда амалга оширилаётган туб ўзгариш ва ислохотларни ҳаракатлантирувчи қудратли кучга, таъбир жоиз бўлса, уларнинг гоёвий ўзаги ва маънавий таянчига айланди.

Бу жihatдан, давлатимиз раҳбарининг БМТ Бош ассамблеяси 72-сессиясидаги нутқида алоҳида таъкидланган "Бугунги кунда Ўзбекистон жадвал ривожланмоқда. Биз аждодларимизнинг донишмандлик аънаналарига амал қилиб, теран англаган ҳолда, қатъий ислохотларни амалга оширмоқдамиз, мамлакатимизнинг янги қиёфасини шакллантириш йўлидан бормоқдамиз. Жамиятимизда сиёсий фаоллик ортиб бормоқда, барча соҳаларда чуқур ислохотлар амалга оширилмоқда. Улардан кўзланган мақсад – "Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан унст" деган оддий ва аниқ-равшан тамойилни амалга ошириш устувор аҳамиятга эга бўлган демократик давлат ва адолатли жамият барпо этишдан иборат" деган фикр ҳам Ўзбекистон тарақиётининг бугунги янги босқичини дастлабки йиллариданоқ учинчи Ренессанс пойдеворини яратишга ҳозирлик, бу борадаги гоёвий ва маънавий тайёрларик қўрила бошлаганидан далолат беради.

Қолаверса, "Янги Ўзбекистон", "Янги Уйғонинг даври", "Учинчи Ренессанс" тушунарлари бир кунда ва осонгина шаклландиган оддий ҳодисалар, жўнгина дунёга келадиган ва ўткинчи бир ижтимоий воқеликни ифодаламайди, албатта.

Шу маънода, "Қадимги шарқ цивилизацияларидан ёдгорликлар" каби асарлар мақдур феноменал янгилик ва туб ўзгаришларнинг тарихий илдиэларини яхши билиш, бу борадаги ижтимоий қонуниятларни чуқур англаш, ушбу йўналишдаги фаолиятни тўғри ташкил қилиш, мақбул усулларни топиш ва самарали йўллари аниқлашга хизмат қилади.

Дунё нафақат глобаллашиб ёки ахборотлашиб, балки технократлашиб ҳам бормоқда. Мутахассислар фикрича, бунинг натижасида шаклланаётган технократ инсон роботга ўхшайди, у кўпроқ виртуал дунёда яшайди, аста-секин бошқалардан узоқлашиб, жамиятдан ажрала бошлайди. Унга тарих нидолари, болалар ёди, халқи ва юртининг ўтмиши ҳамда келажакни олдидаги қардорлик хисси бегона, қалбда миллий қадриятларга, уят ва андиша каби боқира туйғуларга, давлат ва жамият манфаатлари каби тушунарларга ўрин йўқ. У халқ достонларини ўқимайди, бахшиларнинг хонлиларини тушунамайди, миллий қўшиқларимизни хиргой қилолмайди, мумтоз мусиқаларимизни тинглаб, "сел бўлиб оқмайди". У қарерда яхши яшаса, ўша ернинг ватани, унга ҳеч ким тегмаса, ўз компьютерлари дунёсига "қўмилиб" ўтириш учун шароит бўлса, бас.

Президентимиз илгари сурарётган Янги Ўзбекистон гоёси, Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш тамойиллари ва унга мос янги дунёқарашни шакллантириш талаблари бундай "замонавийлик" билан келиша олмайди. Бинобарин ушбу таърихда кўра қисқа тахлил қилинган "Қадимги шарқ цивилизацияларидан ёдгорликлар" каби китоблар бундай даврда халқимизнинг Янги Дунёқарашини шакллантириш учун асос бўладиган мезонларни аниқлаш ва уларга таяниб, юксак иқтидорли ва маънавий баркамол ёш авлодни тарбиялашда мўхим қўлланма сифатида ёрдамга келди.

Бу эса ўз навбатида, тобора глобаллашиб ва турли хавф-хатарлар таъсири ортиб бораётган бугунги дунёда Янги Ўзбекистон – Янги Уйғонинг пойдеворини яратишдек шароити амалга оширишда ҳар биримизнинг зиммаимизга улкан масъулият юкланганидан далолат беради.

**Қўлим НАЗАРОВ,**  
фалсафа фанлари доктори,  
профессор.

ЖАҲОНДА

ЧЕХИЯ РОССИЯ ВАКЦИНАСИНИ ЭНГ ЯХШИ ДЕБ ТОПДИ

Россиянинг "Спутник V" вакцинаси дунёдаги энг яхши дорилардан бирдир. "Ҳамма жойда у мақтовга sazовор. Бироқ буни қабул қила олмайдиган маълум доиралар мавжуд", — дея тушунирди журналист.




Хусусан, у Россия вакцинасини сотиб олиш сабабли ҳужуматда бўлиши ҳақида айтиб ўтилган Словакияни эслабди ўтди. Словакия Ташқи ишлар вазирини Иван Корчок аэропортда биринчи партияти хашакни қабул олган Бош вазир Игорь Матовични танқид қилди. Мамлакат президенти Зузана Чапутова "Спутник V" вакцинасидан фойдаланишга қарши чиқди.

Бунга жавобан Матович препаратни қайтариб бермаслигини айтди. У Россияда ишлаб чиқарилгани учунгина ўз халқини юқори сифатли вакцина ёрдамида кутқаришдан бош тортмаслигини таъкидлади.

БАЙДЕННИНГ АҚШ ИҚТИСОДИЁТИНИ КЎТҚАРИШ РЕЖАСИ

Жо Байден маъмуриятининг режаси АҚШ иқтисодиётини коронавирус пандемияси таъсиридан кутқариш бўйича улкан лойиҳани амалга оширишда муайян мамлакатларга дўч келади. Бу мамлакат фуқароларига молиявий ёрдам лойиҳасидир.



Жо Байден америкаликларга тўғридан-тўғри тўловлар ёки солиқ имтиёзларида ёрдам бериш учун 1,9 триллион доллар ажратилиши ваъда қилган эди. Оқ уй маълумотларига кўра, америкаликларга чеклар қўринишидаги 1,4 миң доллар миқдоридagi тўғридан-тўғри тўловлар шу йилнинг март ойи ўрталарида бошланиши мумкин. АҚШ маъмуриятининг ҳисоб-китобларига кўра 160 миллиондан зиёд уй хўжаликлари ушбу тўловларни олишлари керак. Айтганча, бу пулни махбуслар, шунингдек, ким Америка фуқаролигини оломайди 2020 йилда вафот этган бўлса, уларнинг қариндошлари ҳам олишлари мумкин.

ҲИЖОБСИЗ ШВЕЙЦАРИЯ

Якшанба кун Швейцарияда бўлиб ўтган референдумда юзни яшириш ноўрин эkanлиги тўғрисидаги фикрни маъқуллашди. Сайловчиларнинг ярмидан кўпи бунга розилик берди.

Ушбу ўзгаришлар тўғридан-тўғри муслимларга қаратилмаган бўлиб, бундан мақсад норозиликларнинг радикал иштирокчиларига ниқобнинг орқасида яширишга йўл қўймастик экани айтилди. Бироқ маҳаллий сиёсатчилар ва оммавий ахборот воситалари ушбу қонун лойиҳасида айнан паранжига уруғ берилганини таъкидлашди.

Муслимлар кенгаши референдумни жамият учун "қора кун" деб атади. Шу билан бирга, Люцерн университети Швейцарияда деярли ҳеч ким паранжи тақмаслигини ва ҳижобни бутун мамлакат бўйлаб ўттизга яқин аёлгина тақимиши айтди.

ОШИҚЛАР МУЗЕЙИ

Туркиянинг Омосиё вилёятида дунёдаги ягона афсонавий ошиқ-маъшуклар музейи очилди. Музейда маъшук асарларда тилга олинган ошиқ образларига қўйилган ҳайкаллари томоша қилишнинг имконияти мумкин.



Музей раҳбарияти дастлабки кунардаёқ Фарход ва Ширин, Лайли ва Мажнун, Ромео ва Жўльетта образларининг сайёҳлар томонидан алоҳида эътироф этилгани ҳақида хабар берди. Музей муҳаббат учун ўрнатилган ҳайкаллари жамланган маскан сифатида дунё аҳлининг ҳавасини келтирмоқда.

Интернет тармоғи хабарлари асосида Г.МАТЎҚУБОВА тайёрлади.

ҲАВОТИР

Минг афсуски, коронавирус пандемияси 2019 йил декабрдан буён Ер шари аҳолисини ваҳимада ушлаб турибди. Чунки шу кунгача яратилган тиббий эмлаш воситалари бу балони даф қилишда камлик қилётгани сезилиб қолди. Бундан ташқари, Европада қўлланилаётган эмлаш дозалари ёши кекса кишилар орасида ўлим даражасини камайтирган бўлса, болаларда учраётган вирус юқитириш ҳолатлари эанчалик таъсири сезилмапти. Касалликнинг айрим симптомлари мутақия ҳолатида сақланиб қолапти.

# “ТўРТИНЧИ ТўЛҚИН” болаларга хавф солмоқда...ми?

— Ё мен бугунги ҳолатни ақлимга синдиришга омман ё одамлар ўта ақлли бўлиб кетишган. Улар бу балонинг давосини билишди. Бутун бошлик автобусда биргина мен ниқоб тақибман, қолган бирорта одам ниқоб тақмаган. Ўзимга ноқулай бўлди. Тушади-кан бекатимга етиб борганимча автобус ойнасидан ташқарига қараб кетдим, — дейди бир танишим...

ХОТИРЖАМЛИККА БЕРИЛИШ  
ЯХШИЛИК АЛОМАТИ ЭМАС

Аслида, бу янгилик эмас. Кундалик ҳаётда барчамиз дуч келадиган вазият. Аммо бу офатнинг оёғи қаноти бўлмас-да, қитъадан қитъага маълум сонияларда етиб борапти. Бунга "Британия штамми" ёки "жанубий африкача хавф" ни ё бўлмаса, "бразилияча мутанти" ни мисол қилиб келтириш мумкин. Мамлакатимизда ҳам бу балои офат хали тўлиқ даф этилгани йўқ. Шундай экан, хотиржамликка берилиш асло мумкин эмас!


Ваҳоланки, "Euronews" ахборот тармоғи маълумотларига қараганда, Франция ҳукумати "Astra Zeneca" эмлаш дозисининг таъсир доираси сезиларли эмаслиги боис, уни қўллашни яна бир бор таҳлил қилиб кўриш кераклигини айтмоқда. Айниқса, бундан аввалроқ дунёнинг кўпгина мамлакатларида "Британия штамми" аниқланганилиги

ҳақида хабар тарқалган. Эндиликда "Африка хавфи", "Бразилияча мутанти" ер юзини кезиб юргани, коронавирусга қарши яратилган вакциналар мутақия ҳолатидаги дарди бедавога муолажа воситаси бўлмаслиги ҳақида Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти мутасаддилари ҳам айтишяпти. Бу ҳозирги кунда ҳатто олимларни ҳам ташвишга солиб қўйган.

Бундан шу нарса маълум бўлади, юртдошларимиз юзга тақаддиган ниқобларини бир четга йиғиштириб қўйишларига ҳали вақт бор экан.

Жонс Хопкинс университети маълумоти кўра, ўтган пандемия даврида дунёда коронавирусга чалинганлар сони 120 миллионга яқинлашган, ҳалок бўлганлар сони 2,5 миллиондан ошган. Энг ёмонини, ана шундай оғир вазиятдан фойдаланиб қолувчи "бойвачча"лар ҳам пайдо бўлган ичинарли ҳолат. Айниқса, "Twitter" ва бошқа ижтимоий тармоқларда тез-тез кўзга чалинаётган коронавирус пандемияси хавфи ва олдини олишда ишлатилиши мумкин бўлган дори-дармонлар ҳақида текширилмаган, одамни чагиртувчи хабарлар тарқалапти. Жаҳон тиббиёти олимлари бундай постларни "шубҳали", деб баҳолади.

Бугунги глобаллашув даврида ҳар қандай ахборот сонияларда Ер шарининг бир бурчидан иккинчи бурчига етиб борапти. Шундай экан, ижти-



мой тармоқларда пандемияга қарши муолажа сифатида тавсия этилаётган ҳар қандай дори воситаларидан эҳтиёт бўлган яхши. Энг мўҳими, Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги ишончли манбаларда фаолият юритаётган мутасаддилар маслаҳатига қўлоқ тутган маълум.

Чунки бу чагиртувчи хабарлар одамларни янада тушқунликка туширишдан ташқари, айрим фойдасиз дори-дармонлар учун ортиқча сарф-харajatлар қилишига ҳам замин яратаяпти. Қаниқиди бу дориларнинг нархи чўнтақбор бўлса...

Бу ҳолат дунёнинг кўплаб мамлакатларини қамраб олганлиги, касалликка қарши эмлаш воситалари тўғрисидаги ёлгон маълумотлар кенг тарқалаётгани катта муаммага айланиб борапти. Албатта, олдини олиш мақсадида дунё давлатлари ёлгон постлар учун катта жа-

рамалар ва бошқа жазо турлари белгилашга мажбур бўлишмоқда. Аммо бойиш илдиникидаги айрим қорчалонлар ҳамон "яшрин касби"дан воз кечганлари йўқ.

ТИТРАВЖ ВУЖУДА КАТТА  
ҚУБАН БОРМИ?

Буюк Британия жамоат соғлигини муҳофаза қилиш хизмати (PHE)нинг билдиришича, "Pfizer" ва "Astra Zeneca" вакциналарининг илк дозасини қабул қилган 80 ёшдан ошган британияликларнинг шифохонага тушиш даражаси 80 фоизга камайган.

Дунё статистик маълумотлари ҳам шуни исботлапти. Яъни, 70 ёшдан ошган кексалар қабул қилган "Pfizer" вакцинаси касалликнинг оғир шакли кечаётган беморларнинг 60 фоизини, "Astra Zeneca" эса 60-73 фоизгача химоялар экан.

Аммо шунга қарамай, "Astra Zeneca"

штамmlарга эски вакциналар қарамай қолиши эҳтимоли бор.

Сўнги маълумотларга қараганда, АҚШда коронавирუსнинг янги тури билан касалланиш кўрсаткичлари бир қадар ўстган. Ҳафта ичида уларнинг сони кунига ўртача 70 миңга ортган, касаллик қурбонлари сони 2 миңдан ошган. Бу борада, АҚШнинг Касалликларни назорат қилиш ва профилактика марказлари директори Рошел Валенски: "Бу статистика, айниқса, янги штаммининг шитоб билан кенг тарқалиши натижасида биз вирусга қарши курашда эришган катта ютуқларимизни йўқотиб қўйишимиз мумкин", деган.

Шу кунгача вирус бир неча марта мутацияга учраган бўлса-да, "Британия штамми"дан кўра, жанубий африкача ва бразилияча янги турлари энг хавфлиси бўлиб қолмоқда. Ҳатто АҚШ мутасаддилари қитъада эпидемиянинг "тўртинчи тўлқини" бошланиши мумкинлигини айтишмоқда. Ҳали "биринчи", "иккинчи" ва "учинчи"дан қутулмай туриб "тўртинчи тўлқин" хавфи раҳна солаётганини ўйлаб: "Инсониятнинг бошида яна қандай қўргиликлар бор экан", деган мулоҳазага боради киши.

Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилотининг факултода вазиятлар департаменти раҳбари Майкл Райан: "Ҳозирда ишлаб чиқарилаётган вакциналар ва эмлаш жараёнини кўп нарсани ваъда қилаётган бўлса-да, бу вирус устидан узили-кесил галаба дегани эмас. Бутунлай соғайишни йил охиригача кутмаслик керак", демоқда.

Шунингдек, "Инсоният ақл билан ҳаракат қилса, ўз соғлигини (санитария-гигиена қоидаларига амал қилиб) муҳофаза қилишда давом этса, биз мавжуд шифохоналарга ортиқча оқламаларини, энг мўҳими, пандемия билан боғлиқ ўлимлар ва фожияларни камайитиришга эришишимиз мумкин", деган у.

Барибир АҚШ дунёда пандемиядан энг кўп зарар кўрган мамлакат бўлиб қоляпти. Шу кунгача 28 миллион 500 миңдан ортиқ касалланиш ҳолатлари кузатилган бўлса (бу статистик маълумот), ярим миллиондан ортиқ ўлим ҳолатлари кузатилган. Бу бутун дунё аҳли орасида коронавирус сабаб қурбон болганларнинг бешдан бир қисmini ташкил этади.

Бу ҳам етмаганидек, дунё мутахассислари фикрига кўра, вирус билан касалланганлар орасида коронавируснинг янги штамми аниқланмоқда экан. Бу ҳолат вакцина ишлаб чиқараётган компанияларнинг кейинги фаолиятига жиддий хавф солиши табиий. Чунки, янги

АҚЛБОВАР ҚИЛМАС  
ҲОДИСА

Дунё олимлари тиббиёт ходимларини болаларда учраётган коронавирус симптомларини чуқурроқ ўрганиб чиқишга чақираётгани бежиз эмас. Пандемия тарқалган дастлабки даврда болаларда ушбу бедаво дардиди юқитиш эҳтимоли жуда паст бўлгани маълум, ҳатто болалар касаллигининг оғир шаклига чалинмайди ва юқитирувчи бўлиб қолмайди, дейилган. Аммо миң афсуски, ўтган давр бу айтилган гаплар исботини топмади.

Британия миллий статистика агентлигининг маълумотларига кўра, 11 ёшдан кичик болаларнинг 13 фоизи, 12-16 ёшлар оралиғидагиларнинг 15 фоизиди "Covid-19" аниқланганидан сўнг, орадан 35-40 кун ўтиб, ушбу балонинг камида битта симптоми сақланиб қолаётган экан.

Бу шуни англатадики, дунё олимлари таъбири билан айтганда, бу офат "ўзоқ давом этувчи Covid-19" болаларга ҳам хосдир.

Ҳатто Швеция мамлакатидида ҳомила даврида вирус юқитиб олган чақалоқда вирус қандай мутақия бўлгани ҳалигача олимларни хайрон қолдирмоқда. Шифокорлар учун бу ноёб ҳодиса. Мамлакат генетология муассасасига ҳомиладор аёл мурожаат қилганда, баъадодаги ҳомилада юрак уриши секинлашгани ва унга кислород етишмаётгани аниқланган. Шундан сўнг, чақалоқ ҳаётини сақлаб қолиш учун баъадо жарроҳлиги амалиёти ўтказилган. Гарчи коронавирусга чалинган она вирусни чақалоққа ҳам юқитган бўлса-да, энг даҳшатлиси, ҳомила онасидан вирус юқитиришдан ташқари, у "A107g" номини олган янги штаммини қаердан юқитган? Ана шуниси шифокорларни хайрон қолдирди.

Аслида ҳам, шу пайтгача коронавирус онадан чақалоққа ўтиш ҳолатлари жуда кам учраган. Пандемия ҳомилида кислород етишмовчилигини келтириб чиқариши ҳолатлари эса деярли кузатилмаган. Лекин эндиликда мутахассислар ҳомиладор аёлларга ёндашувни қайта қўриб чиқиш зарурлигини айтишмоқда. Чунки улар янада юқори хавф гуруҳига айланиб қолиши мумкин.

Интернет маълумотлари асосида  
Юсуф ЖўРАЕВ  
тайёрлади.



Ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги нодавлат-нотиқорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди томонидан ажратилган давлат гранти "Инсон манфаати" — тарақиёт пойдевори лойиҳаси асосида чоп этилмоқда. (С/15)



# ХАЛҚ БАНКИ хотин-қизларнинг яқин кўмакчисига айланади

**Одатда, аёлнинг жамиятдаги ўрни ва вазифаларини фақат оила ҳамда фарзандлар тарбияси билан боғлаймиз. Аммо ҳозирги глобллашув шароитида бундай ёндашув нотўғри эканлигини ҳаётнинг ўзи аниқлаётганда. Чунки "оила гултожи" дея таърифланадиган опа-сингилларимиз айни вақтда жамиятнинг барча бўғинларида самарали меҳнат қилиб, юксак натижаларни қўлга киритяпти. Барчага ибрат намунаси бўлмоқда. Аёлнинг жамиятда ўз ўрнини эгаллаши эса ҳаётдан бахту саодат топишини аниқлатади.**

Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан сўнгги йилларда биз, хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, саломатлигини мустаҳкамлаш ва энг муҳими, муносиб турмуш шароитини яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бинобарин, аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш бўйича олиб борилаётган изчил саъй-ҳаракатлар ҳам опа-сингилларимизнинг нафақат ижтимоий фаоллиги, балки турмуши фаровонлигига имкон яратаётди.

Бугунги кунда мамлакатимиз аҳолисининг 17 миллиондан зиёдини хотин-қизлар ташкил қилляпти. Уларнинг бизнес соҳасидаги лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш ҳамда муаммоларини бартараф этиш эса муҳим вазифалардандир. Давлатимиз раҳбари ўтган йили Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида шу ҳақда тўхталар экан, Касаба уюшмалари федерацияси бошчилигида мутасадди идоралар, банклар ва ҳокимликлар томонидан жойларда уйма-уй юриб, 6 миллиондан ортиқ хотин-қизларнинг муаммолари пухта ўрганилгани, натижада биринчи марта жойлардаги ҳақиқий аҳвол юзага чиқиб, шулар асосида "Аёллар дафтари" шакллантирилаётгани, хотин-қизларни қийнаётган кўплаб ижтимоий-иқтисодий муаммоларга амалий ечим топилаётганини қайд этиб ўтди. Хусусан, бу ишларга маҳаллаларда янги ташкил этилган "Аёллар маслаҳат кенгашлари" ҳам яқиндан кўмак бераётгани қувонарли ҳолат. Лекин бу ҳали

аёллар муаммоларини ечиш учун биз бажаришимиз шарт ва зарур бўлган ишларнинг бошланиши, холос.

Шулардан келиб чиққан ҳолда аёлларнинг бизнес соҳасидаги лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш ҳамда жойларда аниқланган хотин-қизлар муаммоларини ҳал этиш учун мамлакатимизда бюджетдан қўшимча равишда 1 триллион сўмдан зиёд маблағ йўналтирилаётган бўлди. Ана шу мақсадда Халқ банки томонидан ҳали жойларда хотин-қизларни тадбиркорликка ўқитиш, бизнесга оид намунавий режаларини ишлаб чиқиш ва кредит олишда уларга амалий ёрдам кўрсатишнинг янги тизими жорий этилди.

Хўш, мазкур тизим асосида қандай ишларни амалга ошираемиз?

Аввало, Савдо-саноат палатаси, Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби, "Тадбиркор аёл" ишбилармон аёллар ҳамда "Хунарманд" уюшмалари, хотин-қизлар тадбиркорлик марказлари, шунингдек, бошқа нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ҳамкорликда жойларда ўқув-курслари ташкил этиш орқали тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш истагини билдирган ва "Аёллар дафтари"га киритилган хотин-қизларнинг бизнес лойиҳаларини тузишга ёрдам берилади. Айниқса, олис ва чекка ҳудудларда томорқадан даромад манбаи сифатида фойдаланиш, яъни енгил конструкцияли иссиқхоналар ўрнатиш, "Томорқа хизмати" корхоналари ва "дала дўконлари"ни ташкил этиш ҳамда парранда, асалари, қуён, балиқ ва

бедана боқишни йўлга қўйишга алоҳида эътибор қаратганмиз. Бу эса ўз навбатида, опа-сингилларимизнинг эзгу интилишларини рағбатлантиришга хизмат қилиши аниқ.

Умуман олганда, аёлларимиз меҳнатини қадрлаш, истеъдод ва салоҳиятини рўёбга чиқариш мақсадида банкимиз томонидан 60 дан зиёд бизнес лойиҳаларини ишлаб чиққанмиз ва мазкур бизнес лойиҳалар доирасида тадбиркорликнинг барча йўналишларида базавий ҳисоблашнинг 150 бараваригача бўлган миқдорда кредитлар ажратишни режалаштирганмиз.

Яхши биламизки, олис ва чекка ҳудудларда яшайдиган аёлларимизнинг аксарияти замонавий хизматлардан фойдаланиш учун қишлоқдан шаҳарга қатнайдди. Биз тақдим этаётган лойиҳалар эса тадбиркор, меҳнатсевар, фидойи ва қўли гул опа-сингилларимизнинг шаҳарга бориши учун имкон қолдирмайди. Қандай қилиб дерсиз? Бунинг ечими оддий: биз шаҳарда кўрсатиладиган замонавий хизмат турларини қишлоқ ва туманлардаги хотин-қизларнинг бизнес лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш орқали амалиётга татиқ этаемиз. Натижада меҳнат билан банд бўлмаган 70 минг нафар опа-сингилларимиз доимий иш ўрни билан таъминланади.

Ҳозир Халқ банкининг барча ҳудудий, туман ва шаҳар филиалларида раҳбарнинг аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш бўйича ўринбосарлари штатлари жорий этилиб, бу лавозимларга муносиб номзодлар тайинланмоқда. Улар келгусида жойлардаги ишбилармон хотин-қизларнинг энг яқин кўмакчиси, ишончли маслақдошига айланади.

Гулзода РАШИДОВА,

Акциядорлик тижорат Халқ банки Бошқаруви раисининг хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш бўйича ўринбосари.



Реклама ҳуқуқи асосида.



**Опа-сингилларимизга тенгсиз латофат ва нафосат соҳибалари, дея таъриф берамиз. Эзгулик ва фидойилик рамзи, хонадонларимизнинг файзу фаришталари сифатида эъзозу эҳтиром кўрсатамиз.**

Мана шу шуқуҳли кунларда Халқ банкининг кўпминг сонли жамоаси барча дилбар қизларимиз, мунис аёлларимиз ва мўътабар онахонларимизни 8 март — Халқаро хотин-қизлар куни билан самимий муборакбод этади.

Сизларга сиҳат-саломатлик, бахт ва омад тилаймиз. Гўзаллик ва самимий табассум сизларни ҳеч қачон тарк этмасин. Баҳорий ва байрамона кайфият ҳамиша ҳамроҳингиз бўлсин!

Фурсатдан фойдаланиб, азиз опа-сингилларимиз ва барча юртдошларимизга Халқ банкининг қулай ва пасайтирилган фоизлардаги кредитларини тақдим этаемиз. Барча эҳтиёжлар учун қисқа мuddатли кредитларни янги мақбул фоизларда олинг ва орзуингиздаги совғаларни харид қилиб, гўзаллик ва нафосат соҳибаларига унутилмас онларни тухфа қилинг!

### Мадад:

мuddати — 6 ой;  
миқдори — 12 250 000 сўм;  
фоизи — 23%;  
талаб қилинадиган ҳужжатлар — паспорт.

### Микроқарз:

мuddати — 12 ой;  
миқдори — 24 500 000 сўм;  
фоизи — 23%;  
талаб қилинадиган ҳужжатлар — паспорт, учинчи шахсининг кафиллиги.

### Режали тўлов картаси (Расрочка):

мuddати — 12 ой;  
миқдори — 24 500 000 сўм;  
фоизи — 0%;  
талаб қилинадиган ҳужжатлар — паспорт.

### Истеъмол кредити:

мuddати — 12-36 ой;  
миқдори — 24 500 000 сўм;  
фоизи — 23-26,99%;  
талаб қилинадиган ҳужжатлар — паспорт, учинчи шахсининг кафиллиги, шартнома.



**Халқ банки — ҳар доим ёнингизда!**

Хизматлар лицензияланган.



**SANOAT QURILISH BANK**



**АТБ "O'ZSANOATQURILISHBANK"**

**жамоаси**

гулдек гўзал, баҳордек мафтункор  
опа-сингилларимизни қутлуғ айём —  
Халқаро хотин-қизлар куни билан  
қутлайди!

Реклама ҳуқуқи асосида.

# Юрак минтақаси сўзингда яшнар

Адабиёт – чексиз уммон, бепоён бўстон. Унда ижод ишқи билан қўлига қалам тутган ижодкор борки, ўз сўзини, дардини айтишни истайди. Зотан, ҳазрат Навоий бобомиз ҳам: “Навоий ёмон бўлса, сен яхши бўл” дея ҳар бир қалам соҳибини яхшиликка, сўзни кадр-лашга даъват этган...

Биз сиз азиз муштарийларимизга қуйида ушбу шеърий гулдастани тўхфа этар эканмиз, ундан ҳар ким чанқоғига яраша сув ичади, чечак теради деган умиддамиз. Зеро, сўзини сеҳру жозибасидан баҳраманд бўлишдек улкан бахтни ҳар бир шеърий муҳаббат тилаб қоламиз.

Муқаддас АБДУСАМАТОВА,  
Тошкент шаҳри



### Набиралар

Ўғилу қиз — набиралар  
Ҳаётимиз беағи,  
Улар камолни кўриш  
Бобо, буви тилаги.  
Илмга қўйиб меҳр,  
Китобдан топиб сеҳр,  
Соғлом ўсиб, улгайиб,  
Бўлсин юртга кераги.

Ватан меҳри дилларга  
Қўрғоғиндек қуярсин,  
Мадҳияни тингласа  
Алла каби туюлсин.  
Ошириб тил бойлигин,  
Болалик шўх сойлигин.  
Лаҳзалар қадрин билиб,  
Эркалансин севилсин.

Аъло ўқимоқ учун,  
Сизда шароит бордир,  
Ҳар қадам йўлингизда  
Юртбошим меҳри ёрдир.  
Одат қилин саломни,  
Қадриятлар, каломни.  
Олқишлар олиб яшанг,  
Шунда эл бахтиёрдир.

### Шаҳидлар

Бу ерда сокинлик мудом ҳуқумрон,  
Бу ерда ётибди, эҳ-ҳе, қанча жон.  
Жонларки, юртни деб бўлишган қурбон,  
Аллоҳ раҳматига олсин, шаҳидлар.

Анҳор шовурида жонлар титроғи,  
Сувнинг шивиринда қурбонлар оҳи.  
Гўё очилмишди руҳларнинг боғи,  
Аллоҳ раҳматига олсин, шаҳидлар.

Ҳар япроқ ва гулда қонлар изи бор,  
Таъзим — тиловатнинг бунда жони бор.  
Йўлингиз тушганда хотирланг бир бор,  
Аллоҳ раҳматига олсин, шаҳидлар.

Осмоғида қушлар пастлаб учади,  
Дарахт, майсаларни шўъла кучади.  
Юракда қатагон ишлар кечади,  
Аллоҳ раҳматига олсин, шаҳидлар.

Поингизда энди яшагай гуллар,  
Эркин ва бахтиёр ўтгайдир кунлар.  
Сизларни унутмас эркесвар диллар,  
Аллоҳ раҳматига олсин, шаҳидлар.

### Шукрона

Умр бердинг Аллоҳ, яшаб юрибман,  
Тошлар орасидан дурлар терибман.  
Барчани ўзимдек яхши кўрибман,  
Шукур дейман, Аллоҳ, ўзингга шукур.

Ақлимни танибоқ мен бахт изладим,  
Ҳаётда жуда кўп мақсад кўзладим.  
Ҳар қадам, ҳар онда ширин сўзладим,  
Шукур дейман, Аллоҳ, ўзингга шукур.

Набиралар бўлди умримга безак,  
Бесамак ўтмабди ҳаётимиз демак.  
Абиралар кўриш бу омад десак,  
Шукур дейман, Аллоҳ, ўзингга шукур.

Юртим юксалмоқда, замона кўркам,  
Дунёга танилди навқирон ўлкам.  
Порлоқ келажакка, илдамлар шаҳдам,  
Шукур дейман, Аллоҳ, ўзингга шукур.

Бу дунё айланар мисли чархпалак,  
Вақтни тўхтатолмай жонимиз ҳалак.  
Тинчлик мадҳиясин куйламоқ тилак,  
Шукур дейман, Аллоҳ, ўзингга шукур.

Инишооқ, тилагим бўлгай ижобат,  
Эгам, ўзинг берсанг бунга ижозат,  
Юрсайман бу йўлда қилиб ибодат,  
Шукур дейман, Аллоҳ, ўзингга шукур.

### Она кўнгли

Богда бўлбул қилмагай нолиш,  
Кўз ёшидан хўл бўлар болиш.  
Кўёш боқар оламга хомуш,  
Ранжиб қолса онанинг кўнгли.

Чертилганда таянбур куйламас,  
Гулу райҳон ифори бўлмас.  
Кўнглига завқ сира бўйламас,  
Ранжиб қолса онанинг кўнгли.

Фарзанд ишинг олдга силжимас,  
Дилдорлик сенинг ишингмас.  
Қайтар дунё қайтса яхшимас,  
Ранжимасин онанинг кўнгли!

Икромжон АСЛИЙ,  
Андижон



### РУБОЙЛАР

Инсон идишларин – қорин ёмони,  
Овқат учун ярми, сувга бир ёни.  
Уни аямасдан тўлдирма, дўстим,  
Нафас учун турсин, қолган бир ёни.

Мени ташлаб кетдинг, айбимни айтмай,  
Издадим, бўздадим, ортимга қайтмай.  
Билолмам, не топдинг, эй қадди наврас,  
Ўжарликдан, чала битилган байтдай.

Сени ҳилол, дедим, ҳилолим қутлуг,  
Ёритсанг меҳринг-ла, иқболим қутлуг.  
Агар, ташлаб кетсанг, янги Мажнунман,  
Халқ достонларида тимсолим қутлуг!

Ховлимда кенгайиб кетади кўнглим,  
Юксакларга парвоз этади кўнглим.  
Юксакда кўринар олам кафтдаим,  
Шукур ҳошотларини битади кўнглим.

\*\*\*  
Даврада қатнашсанг, бу давра гулгун,  
Ёнингда нечалар ҳуснингга мафтун.  
Мен ҳам ўлтирибман, чиқиб кетолмай,  
Томошадан маҳрум бўлмаслик учун.

\*\*\*  
Ёзганим ҳаммаси беш юз беш тўртлик,  
Камтарлик, меҳрга ошно, эш тўртлик.  
Қимтиниб турибди қоғозлар аро,  
Нурли ўзлигини қилмай пеш тўртлик.

\*\*\*  
Эрта сенинг тўйинг – эртақ бошланар,  
Умринг дарахтида қуртак бошланар.  
Энди менинг учун бегонасан Сен,  
Ишда ҳижрон деган йўлак бошланар.

\*\*\*  
Сенинг ҳузурингда ҳаяжон, титроқ,  
Кетиб қолмасайди! — дилда шу суроқ.  
Кетасан, баҳонанг доимгидек шай,  
Доимгидек таъқиб этади фироқ...

\*\*\*  
Жаҳоний жозоба юзингда яшнар,  
Юрак минтақаси сўзингда яшнар.  
Фариштали суварат, ички маложат,  
Паризодим, билсанг, ўзингда яшнар.

### Турди бобонинг сўзи

Ҳаммаёқ тинч, атроф осуда,  
Сутдай ойдин теваарак, борлиқ.  
Кўнглиларда севги расида,  
Тоза ҳислар ўсади, тўлиқ.

Кимдир мактуб ёзар берилиб,  
Папиросин тутатар кимдир.  
Дурбинини олиб қўлига,  
Чор атрофни кузатар кимдир.

Оқоп четда тўртта сафдошим,  
Шинелига ўраниб ухлар.  
Бир-бирининг,  
Елкасига қўйганча бошин.



Ойгул УБАЙДУЛЛО қизи,  
Самарқанд

Кезиб юрар атрофда руҳлар,  
Гурунглашар йиғитлар тўп-тўп,  
Уйқу қайда, олислаб кетган,  
Кўнглиларда севги, соғинчлар,

Ёрларини сўроқлаб кетган.  
Авжга чиқар қаҳқаҳа, гурун,  
Уруш нима, эслардан чиққан.  
Уч кундан буён ҳаммаёқ жим-жит,

Дам олишинг кунни хўп туққан.  
Шеър туғилар навқирон дилда,  
Тилга чиқиб жаранглаб кетар.  
Қуролдошлар барчаси бирдай,

Ҳайқирчишиб, бақриб айтар.  
“Сувга экдим шолени,  
Баланд кўтар полини,  
Насиб бўлса кўрарсан,

Гитлер тўнғиз ҳолини...”  
“Келаяпти, немислар пусиб”,  
Кузатувчи беради хабар.  
Шиддатимиз кетади ўсиб,

Ахир бу жуда яхши хушхабар.  
Баландлайди янада қўшиқ,  
Қалбимизда отади илдиз.  
Автомату пулимёт, тўп-ла,

Фрицларни кутиб оламиз.  
Кўнглиларни домига тортиб,  
Ёндиради нафрату олов.  
Тилда қўшиқ, қўлда автомат,  
Жанг бошланар, жанг-ки беаёв.

Ҳосилабону ЭРГАШОВА,  
Сурхондарё



Азиз устоз Журналистлар ижодий  
уюшмаси раиси Саъдулла ҲАКИМ  
хотирасига бағишлайман.

Гўдакдек талпиниб қолди нигоҳим,  
Лек бир бор кўрмоққа улгурмадим мен.  
Айт ҳаёт не эди менинг гуноҳим?!  
Азиз Устозимни қайтиб бергин Сен!

Ҳеч кимса у каби яхши кўролмас,  
Менингдек худбин бир нодон инсонни.  
Бундай жудодликка юрак кўнолмас,  
Кўз ёш билан кўргим келар осмонни.

У эди меҳрдан яралган бир нур,  
Қалбда безубор дунё яшарди.  
Жасорат фарзанди адолатли хур,  
Яхшилик қилмоққа доим шошарди.

Соғинчдан кўзларим жовдираб қолди,  
Юрак кўмсамоқда сизни Устозим,  
Кўзёшлар зарбидан кўзларим толди.  
Баҳор нафаси-ла қиламан таъзим.

Гарчанд вақтни изга қайтариб бўлмас,  
Лекин хотиралар турар ёдимда.  
Жисман орамизда бўлмасангиз ҳам,  
Яшайсиз ҳар нафас ва ҳар онимда!

Абдунаби БОБОЁР,  
Қашқадарё



### ДАХЛДОРЛИК

Қарши шаҳрида элнинг  
атокли ва ардоқли шоири  
Абдулла ОРИПОВ  
хотирасига хайкал ўрнатилган.

Кажрафтор фалакка лол котиб бу кун,  
Сершовқин шаҳарга жим ташлар назар.  
Бошида дўпписи, елкасида тўн,  
Сирдоши кундуз шамс, тунлари қамар.

Шоир давронга талпиниб ҳар гал,  
Гуррас-гуррас келар бунга кекса-ёш.  
Шу совуқ жисмаро жон битса магар,  
Шоёнликдан кўкка етмасмиди бош?!

Баъзида шаҳарга энар Кўнгиртов,  
Икки сиймо сўйлашар бўлиб юзма-юз.  
Бир пайт ялангоёқ кезганин яёв,  
Шоир боласига эслатар Некуз...

Ҳов-в, деса, бор сасда сас етиб боргай,  
Унинг ота макони шунчалар яқин.  
Лек даҳо фарзандин қўйвормас атай,  
Даҳолар пойида кўкарган замин...

### СЕН...

Сен ҳали яшайсан, маънос ва маҳзун,  
Мен эса кетяман армонни қучиб.  
Сен борар ишқ йўли ҳали кўп узун,  
Мен ҳижрон оғусин қўйганман ичиб.

Ишқинг ўтида-ку, бўлдим хўп адо,  
Қуйдим, куя-куя айландим кулга.  
Жисмим ҳам, руҳим ҳам топмиш интиҳо,  
Шамол кулим сочсин Сен борар йўлга.

Сўнгра бу йўлларда унсин кизгалдоқ,  
У ҳам силкий-силкий айлансин қонга,  
Қонталиш заминда шовулласин боғ,  
Токи, Сен сайр эт, шу жаннатмақоно.

Сен ҳали яшайсан, маънос ва маҳзун...

Анорбой ОЛИМОВ,  
Наманган



### БАХТ-ИҚБОЛИМ, ЎЗБЕКИСТОНИМ!

Тарихингдир минг асрлар ичра пинҳон  
ўзбегим.  
Эркин ВОҲИДОВ.

Буюк Ватан буюқлигини  
Билиб-билмай тан олган дунё.  
Буюқларнинг ватан тупроғи  
Бўлувсидир кўзга тўшиё.  
Битилмаган достон Туроним,  
Бетакрорим, Ўзбекистоним!

Тарихингни ўқийман тақрор,  
Етолмасман интихосига.  
Ҳайратдаман фарзандларингнинг  
Илму урфон ихтиросига.  
Сир дарёси, сирлар маконим,  
Сирларга кон, Ўзбекистоним.

Бир фарзандинг Зардушт туфайли  
“Авесто”ни дунё таниган.  
Тўмарису Широқлар сабаб,  
Юрт бошидан бало ариган.  
Муқаннадек мард ўғлонингни  
Ёдда тутиб хитобларини  
Муқаддас деб кўзларга суртай  
Юзидоғи ниқобларини.  
Юртга фидо дегайлар, жоним,  
Ҳар фарзандинг, Ўзбекистоним!

Қаро кунлар бошинга тушиб,  
Талашганда Буюк Туронни,  
Хориждаги кўпчилик ҳатто,  
Унутдилар Ўзбекистонни.  
Ҳатто ислом дунёсида ҳам  
Ватан номи унутилган одам,  
Бухорийни биларди бешак  
Пайгамбардан кейинги одам.  
Ҳадис илмин ёзган каломим,  
Сен ўзингсан, Ўзбекистоним!

Хурлик учун қўйилган маёқ  
Билги Ҳоқон битикларидир.  
Адолатга чорлаган сабоқ  
Амир Темур тузуқларидир.  
Иңқилобчи олим — Коперник  
Туғилмасдан юз йил илгари,  
“Ер чопар”, деб “қуёш гирдида”  
Ёзган Сайфи Саройилари.  
Очиқ ерда мулки нўзоним,  
Қаҳшар жоним, Ўзбекистоним!

Халқим, ўзинг аслида буюқ,  
Ўзбек номин тарихга битган.  
Авлодларинг билимда етук,  
Аждодларинг йўлини тутган.  
Тонг отмоқда заррин, нашъали,  
Янграмоқда ёқимли бир сас.  
Нур сочмоқда ақл машъали,  
Эшик қоқар янги РЕНЕССАНС.  
Халқим ўзинг — шавқатим, шоним,  
Бахт-иқболим, Ўзбекистоним!

# Алвидо, "ОМОНАТ ДУНЁ"

1 "Омонат дунё" пьесамиз саҳна юзини кўрганда, томошабин эътирофига сазовор бўлганда, йилнинг (2007 йил) энг яхши асари сифатида тақдирланиб, республика театрларида "Омонат дунё" сахналаштиришга тавсия этилганда:

"Мана энди асарингиз театрими мулкига айланди", деган театр пешволари бугун ўз мулкларини ўз кўллари билан осонгина бой бериб қўйишди, афсус! Ҳе йўқ, бе йўқ асар муаллифларини огоҳлантириш йўқ, масалани шартта ҳал қилиб қўйишдирлар, аттан!

... Ҳар бир саҳна асари томошабин учун ўзининг ахлоқий, маънавий ва маърифий жиҳатлари билан ибрат бўлмоғи керак. Замон, ижтимоий ҳаёт нафаси унда ойнадек намоён бўлмоғи жоиз.

Шу жиҳатдан қараганда, жамиятимизда ҳали-ҳамон пора бериш, пора олиш, пора билан ҳар қанақа жиноятни ёпиш муомагадаги аччиқ ҳақиқатлардир. Ёки коррупцияга қарши ҳар қачонгидан ҳам кучлироқ бонг уриллаётган бир пайда, спектакль одамлар қорига яраб турган эди.

Камбағалликни йўқотиш, бойликка интилиш масаласи ҳеч қачон бугунгидек долзарб муаммага айланмаган.

Ҳаммани бойликка, фаровонликка етказсин.

Лекин бу бойлик, фаровонлик пешона тери эвазига эмас, ҳаром-ҳарий йўллар билан топилган бўлса-чи?! Бу мўйай пуллар фарзандлар қамолига эмас, инқирозига сабаб бўлса-чи?! Бойвучча, амалдор оталари паноҳида талтайиб, хушига келганини қилиб яшаётган "Отасининг боласи", эркатойлар авлоди ҳам борлигидан нега кўз юямиз?! Бундай ёшлардан Ватанимиз нима кутади, улар она халқига қандай яхшилик қила олади?! Аксинча, жамиятни орқага тортадилар-ку! Шоху сўзанага ярашамаган бу чипта ямоқлар беришга эмас, ўмаришга, яратишга эмас, йўқотишга ўрганишган. Танглайлар ани шундай замнамалар асносида кўтарилган, суяклар ани шундай "фидойиликлар" да

қотган. Улар Ватанимиз, миллатимиз экан-у, бойликларда чўмилаётган ота-оналарига ҳам вақти келса вафо қилмайдилар. "Омонат дунё" шундай муаммоларни кўтариш жиҳати билан ҳам актуал эди. Асарнинг маъноси — дунё молининг бевафолиги, похдонлик ва имон, ҳалол меҳнатгина инсонга бахт-саодат, рухий-маънавий ҳаловат ва фароғат беради, деган ғоя билан сугорилган эди.



Спектаклдан сўнг...

...Азизларим, бироз қизишиб кетдим, мени кечиринг. Ахир, бозорга чиққан ҳам ўз молини ҳаридорга мактаб пуллайди дейишди. "Омонат дунё" мол эмас, санъат асари, унда инсон дарди, замон дарди бор экан, ҳар қанча гапиришга арзийди, деб ўйлайман.

...Бу асар билан боғлиқ бўлган хотираларим овоз берапти. Унинг ёзилиш жараёнидаги тўлғоқларимиз, баҳс-мунозараларимиз ва ниҳоят орзу-ният-уйғонишим билан умри боғим ижодхонаси ашигини секин очардим. Сигарет тутунидан бурқсаб кетган хонадан қаҳва ҳиди ҳам гупириб турарди. Заҳматкаш муаллифимиз уйқусизликдан кўзлари киртайган, чеҳраси униқан бир ҳолатда кўринарди. Назаримда ҳозир унга руҳияти, орзу-армонларига куч бераётгандай туюларди...

Шундай кунларнинг бирида

ғаройиб тонг отди. Азизим ижод хонасидан "Ай-да, Пушкин, молюдец!" — дея қанот қоқиб чиқиб келди. Билдимки, пьесанинг ҳулосавий қисми топилган, демек, пьеса ниҳоясига етган, ўзига маъқул бўлган. Акс ҳолда, бу иборани ишлатмас эди. У нима ёзмасин, ўзига ёқдими, бўлди "Ай-да, Пушкин, молюдец!" билан ижодхонасидан чеҳраси барқ уриб чиқиб келарди.

Тилаб Маҳмуд пьесанинг ту-

бу пьесага узукка кўз қўйгандек ярашиб тушди, деди мамун. "Қилмиш-қидирмиш" сўзини ўчириб, ўрнига "Омонат дунё" деб ёзиб қўйди. Кейин асар муаллифи ёнига менинг исми-шарифимни ҳам тиркаб қўйди.

— Битта сарлавҳа топиш билан ҳаммуаллифликка даъво қилолмайман, мени исза қилманг...

— Ҳаммуаллифиз, тамом-вассалом, — деди қатъий Тилаб ака.

— Сиз мен учун ойнасиз. Бу ойнада мен ўзимнигина эмас, ижодим самарасини ҳам кўраман. Фикр ҳам, маслаҳат ҳам, сени тинглаш ҳам, тинглаётгандаги кайфият ҳам ёзувчига кўп нарсани беради. Мен сизнинг кайфиятингиз, таъсирланишларингизга қараб қаламимни қайси йўналишга бериш, эътиборни қайси жойларга қўйишни келтиришни ҳис қиламан. Пьеса ёзилишидаги қораламаларингиз-чи?! Улар менга кўп нарсани беради... Шундай қилиб, пьеса муваффақият билан сахналаштирилди. Радио, телевидение, матбуотда "Омонат дунё" театри ҳақидаги чиқишлар кайфиятимизни кўтаргандан-кўтариб борарди. Биз бахтли эдик, жуда бахтли эдик. Оёғимиз театр остонасидан узилмай қолди. Спектаклни томоша қилаётганимизда, Тилаб Маҳмудга бир-бир назар солиб қўйман. Гоҳи чеҳрасида табассум, гоҳи қаҳр, гоҳи қўшлари ўйнар, чимириллар, гоҳи кўзларида нафрат, кўзлари чақнар, гоҳи кўзларида ёш... У ўз қони жонидан яралган асар ижрочиларига мубтало эди. Улар билан баробар гўё жон олиб, жон берарди... Томошабинларнинг қизгин қарсақлари, пойимизга сочилган гуллар, гулчамбарлар унинг ҳам, албатта, менинг ҳам ҳаяжонимизга ҳаяжон қўшарди...

...Кўнги ободлигига айланган бу гўзал лаҳзаларда биз яратган асар кўз-қошларига ўсма-лар қўйиб, сочларини қирқ қопиб ўриб, чеккасига районлар тақиб, мушки анбарлар селиб томошабинга кўз-қўз қилган Ўзбекистон Миллий академик драма театри, унинг ижодий жамоасининг қатта ҳиссаси бор, албатта. Юқоридаги аччиқ ва ачинилли гапларни эса энг яхши кўрган,

бино кўйган, яқинини йўқотган одамнинг руҳий изтироблари, тўлғоқлари деб тушунинг, мени ёзғирманг...

Отахон театримиз 2002 йилдан то 2021 йилга қадар Тилаб Маҳмуд ижодимизнинг муаллифлигимиздаги "Умр шомидани бахт", "Тортадурман жабрини", "Омонат дунё" пьесаларини сахналаштирди ва намойиш этди.

Бу ҳар қандай ижодкорга ҳам насиб этвермайдиган омад деса ҳам бўлади. Шундай экан, биз муаллифларни элга драматург сифатида танитиб, руҳиятимизни кўтарган, қувончлар бахш этган театр, унинг ижодий жамоаси билан хайрлашув осон деб ўйлайсизми?! "Тортадурман жабрини", "Омонат дунё" пьесаларини сахналаштирган иқтидорли режиссёр Тожи Муҳаммад Исроилловнинг сахналаштириш жараёнида ижодий тоғилмаларидан хайратга тўшган онларимизни қандай унутмай?! — Маннон Уйғур "Ҳалима" (Ғулом Зафарий) спектаклини сахналаштириш жараёнида саҳна нани иккига бўлган эди. Бу услуб ўшанда катта топила ҳисобланадиган ўзбек театрида янгилик бўлган. Тожи Муҳаммад Исроиллов эса "Омонат дунё" саҳнани шартта тўртга бўлиб юборди. "Саҳнада воқеалар кинолентадай тўхтовсиз ҳаракат қилади, офарин", деб ёзганда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Бахриддин Насриддинов.

2009 йил. Аср вабоси — одам савдоси бугун дунёда урчиётган иллат афроси, бизнинг заманимизга ҳам етиб келган. Тошкент шаҳар ҳокимияти, республика ва Тошкент шаҳри прокуратураси ташаббуси ва илтимосига кўра Тилаб Маҳмуд билан янги асарга қўл урдиқ. "Тортадурман жабрини" деб номланар, айна ениб турган муаммо — одам савдосига бағишланган эди.

— Бугунги куннинг энг муҳим, долзарб мавзуси бўлгани учун асар менга маъқул бўлди ва уни сахналаштиришга шошилдим, — деди Тожи Муҳаммад Исроиллов. Асаримиз Миллий академик драма театрида Тожи Муҳаммад Исроиллов, Ўзбекистон халқ артисти Сайидкомил Умаров томонидан сахналаштирилди. Замон оғриқлари ҳақидаги бу спектакль аншлаб тусини олди. Спектакль Миллий театр билан баробар "Туркистон" саройида ойлаб, бир кунда уч мартадан уйналган пайтлар ҳам бўлди. Спектакль вилоятларни ҳам бир-бир кезиб чиқди...

"Туркистон" саройида кетаяётган спектаклимизнинг баъ-

зида эртапакисига мен борсам, кечки томошага Тилаб Маҳмуд етиб келарди. Томошабинлар орасида бизни кўриб қолган режиссёрларимиз томоша охирида саҳнага чорлашарди.

Тилаб Маҳмуд қатор тизилиб турган артистларнинг бир-бир кўллари олиб, табриклаб чиқарди.

Саҳна пардаси бир очилар, бир ёпилар, артистлар қаторида биз ҳам томошабинлар олқишига жавобан таъзимда бўлардик. Кимгадир балки, бу майда гапдек туюлар. Лекин биз учун бу катта тухфа, катта бахт эди...

Театр ижодий жамоаси орасида кўлимни кўксимга қўйиб миннатдорлик билдирадиган азиз санъаткорлар кўп. Ўша пайтларда Миллий академик драма театри директори бўлиб ишлаган Ўзбекистон халқ артисти Ёшуб Аҳмедовнинг ўз ишига фидойилиги, муаллифлар раъий, нияти ва ижодига бўлган ҳурмат-эътиборидан биз ҳам баҳраманд бўлганмиз.

Спектакларимизни томошабинларга манзур этишда бор истеъдодларини ишга солган Сайидкомил Умаров, Муҳаммад Абдуқундузов, Маҳмуд Исмоилов, Шохидохон Исмоилова, Дилноза Кубаева, Раъно Ярашева, Алишер Узоқов, Аброр Сайпазаров, Муҳаммад Холиқова, Пулат Носиров, Гулчеҳра Иброҳимбекова, Малика Иброҳимова, режиссёр оғаларимиз — Қаҳрамон Саъдуллаев ва Марат Азимов, рессом Бобонӣз Қурбанов сизларга ҳаётда ҳам, саҳнада ҳам узоқ умр тилайман.

Яна бир ҳурматимиз, эътирофимизга лойиқ инсон номини айтмасам бўлмас. У Тошкент шаҳар ҳокимиятида маъсул лавозимда узоқ йиллар фаолият кўрсатди. Ҳозир ҳам жамиятдан узилмаган қолди иштиний фаол меҳнат билан банд. Бу ажойиб, чарчамас ташкилотчи, журналист Фарида Абдураҳимова. Очиғини айтсам, у бизни драма ёзишга даъват қилган, қалбимиздаги драматик туйғуларни уйғотган ва алангалантирган ажойиб шахс.

Жонажон театримиз билан боғлиқ хотираларим кўп, ёшларимни улардан энг ҳаяжонлиси билан якунламоқчиман.

Бир кун Миллий театримиз директори Фатхуллоҳон Маъсудов (Оллоҳ раҳмат қилсин) менга кўнгириқ қилиб қолди:

Бу йил "Омонат дунё" спектаклимизнинг намойиш этилаётганига ўн йил тўларкан. Навбатдаги спектакль намойиши Тилаб Маҳмуд хотирасига бағишласан нима дейсиз?! Умр йўлдошим, ажойиб ижодкор хотирасини биринчи

булиб эслаган, эътироф этган жамоага миннатдорлик туйғусидан бўлак яна нима ҳам дердим?

2017 йил 13 май. Фарзандларим, ёру дўстларим, жигарларим, куда-андаларим, кўни-қўшларим билан театрға бордик.

Спектакль бошланишига, парда очилишига санокли дамлар қолганида саҳнага Ўзбекистон халқ артистлари Тўти Юсупова, Муҳаммад Холиқова ва Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Ҳожиаббар Комилов чиқиб келишди.

— Бугунги намойиш "Омонат дунё" муаллифи, драматурги, ёзувчи ва олим Тилаб Маҳмудов хотирасига бағишланади, — деди Ҳ.Комилов. Спектаклнинг театримизда намойиш этилаётганига ўн йил тўлди, — сўзида дамда эйтиди у... Бу асар ўн йилдан бун саҳнадан тушмай, томошабинларга маънавий озиқ бериб келаётганигининг ўзи унинг нақадар халқчил, тарбиявий аҳамияти катта эканлигини далолат беради... Саҳнага пьеса ҳаммуаллифи, Тилаб ака Маҳмудовнинг рафиқаси Дилбар Маҳмудовани тақдир этамиз...

Қанчадан-қанча аллома-лар, буюклар пойи қадами теккан табарруқ йўллардан ҳар гал қўл ушлашиб борадиганимиз — муқаддас даргоҳнинг муқаддас саҳнасига бугун бир ўзим, бошим энг, кўнлим синиқ чиқиб борардим.

Ёзувчи, умр йўлдошим Тилаб Маҳмуд ҳақидаги меҳрим-муҳаббатим йўғрилган ҳар сўзим томошабинлар қарсаги билан бўлиниб турарди... Умрим баҳори, ҳаммаслақ ва устозим хотираси учун томошабинлар ўринларидан туриб узоқ қарсақ чалишди...

Миллий академик драма театри тарихида ҳаётдан ўтиб кетган саҳна асарлари муаллифларининг хотира кечаларини ўтказиб туриш урф бўлганими, йўқми, хабарим йўқ. Агар Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Фатхуллоҳон Маъсудов ўрнида бошқа директор бўлганда Тилаб Маҳмудга бағишланган хотира кечаси ўтказилармиди, йўқмиди — бунга ҳам билмайман.

Қабрингиз нуру гулга тўлсин Фатхуллоҳон!

Мен тилга олаётган бу воқеа сизнинг одамгарчилигингиз, инсоний хислатларингиз ҳақида ҳали-ҳамон ҳаяжон ва илтифот билан эслаётган, сўзлаётганларнинг хотира маржонига бир садаф бўлиб қўшилган.

Дилбар МАҲМУДОВА, Ўзбекистон Ёзувчилар уюмисаи аъзоси.

## AGROBANK

“Агробанк” АТБ жамоаси азиз аёлларимизни

8 март — Халқаро хотин-қизлар куни — гўзаллик ва нафосат байрами билан табриқлайди!

www.agrobank.uz  
мел. (71) 203 88 88

/AgrobankChannel Agrobank Mobile иловасини юқлаб олинг

/agrobankuzbekistan Download on the App Store GET IT ON Google Play

Хизматлар лицензияланган.

### ТАНЛОВ

#### Истеъдодли ёшлар кўриги

Ўзбек миллий эстрада санъатига илк тамал тошини қўйган, ушбу қўшиқчилик санъатининг ёрқин намоёниси, нафақат Ўзбекистонда, балки ўзининг соҳир овози билан дунёга танилган, халқимизнинг суюкли фарзанди Ботир Зокиров таваллуфига 85 йил тўлиши муносабати билан "Ботир Зокиров санъати давомчилари" республика кўрик-танлови бошланди.

Устоз санъаткорнинг кўп йиллик меҳнатларини инобатга олиб, унинг ёрқин хотирасини абадийлаштириш, ёшларда бой маданий меросга бўлган муҳаббат ҳиссини уйғотиш, кенг тарғиб этиш мақсадида Президентимизнинг 2020 йил 2 декабрда "Ўзбекистон халқ артисти Ботир Зокиров таваллуфидининг 85 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида"ги қарори эълон қилинган. Қарорда устоз санъаткорнинг хотирасига бағишлаб кўрик-танлов ўтказиш ҳам кўзда тутилган эди.

Шу кунларда кўрик-танловнинг худудий босқичларига старт берилди. Қарши шаҳар маданият марказида бўлиб ўтган "Ботир Зокиров санъати давомчилари" республика кўрик-танловининг шаҳар босқичида 29 нафар ёш истеъдод соҳиблари иштирок этишди. Самарқанд шаҳар 1-сон марказий маданият марказида ўтказилган танловда эса 16 ёшдан 28 ёшгача бўлган ёш қўшиқчилар, шунингдек, маданият маркази, Болалар мусиқа ва санъат мактаби ёшлари ўз санъатини намойиш этишди.

"Ботир Зокиров санъати давомчилари" республика кўрик-танлови республикамизнинг барча вилоятларида кўтаринки руҳда бўлиб ўтмоқда.

"Ўзбекконцерт" давлат муассасаси Матбуот хизмати.

### РАССОМ ХАНДАСИ

Ҳусан СОДИҚОВ чизган карикатура.

<h1 style="margin: 0;">Hurriyat</h1> <p style="font-size: 0.8em; margin: 0;">Муассис: Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюмисаи</p> <p style="font-size: 0.8em; margin: 0;">Бош муҳаррир Абдурасул ЖУМАҚУЛОВ</p> <p style="font-size: 0.8em; margin: 0;">Газета 2007 йил 3 январда Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 0080 — рақам билан рўйхатга олинган.</p> <p style="font-size: 0.8em; margin: 0;">Ҳажми 4 босма табоқ, Бичими — А-2. Баҳоси келишилган нархда</p>	Таҳририятга келган хатлар доимий эътиборимизда.	Мақола ва хабарларда келтирилган маълумотлар учун муаллиф жавобгар.	Телефон: (71) 244-32-68, 244-32-91 Тел-факс: (71) 244-32-80 Реклама ва маркетинг бўлими: (71) 244-32-70	Маъзилимиз: 100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй. Elektron manzil: gazhurriyat@mail.ru; info@uzhurriyat.uz
	Адади: 5002 Буюртма — Г-350	Топширилиш вақти — 21 <sup>00</sup> Топширилди — 22 <sup>00</sup>	Обуна индекси: якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233	Навбатчи: Ю.Жўраев. Мусаҳҳиҳ: Ш.Убайдуллаева.